*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 97 (20. 664) • 1990 йил 26 апрель, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

## Кремлда учрашув

СССР Президенти М. С. Горбачев Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий ташриф билан Совет Иттифоқига келган ХХР Давлат Кенгашининг раиси Ли Пэн билан 24 апрель куни Кремлда учрашди. Суҳбатда Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикасининг ҳозирги тараққиёти масалалари тўғрисида гап борди.

(ТАСС).

## ПРЕЗИДЕНТГА ХАТЛАР

### УЛАР НИМАЛАР ҲАҚИДА?

Маълумки, XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайлади. Президент қасамёд қиларкан, Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашга, Ўзбекистон ССР Конституциясига қатъий риоя этишга, ўзига топширилган вазифани виждонан бажаришга сўз берди.

И. А. Каримов Президентлик лавозимига сайланган биринчи кунданоқ унинг номига жуда кўп хатлар, телеграммалар кела бошлади.

Ушбу хатларнинг аксарият қисми ҳозир содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга одамларнинг муносабати, фикр-мулоҳазалари, маслаҳат ва таклифлари ҳамда ташвишли ахборотлардан иборат. Уларда худди кўзгудагидек республика ҳаёти ўз аксини топади. Республика меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг қайта қуриш ва янгиланиш борасидаги фаолиятини маъқуллаб, ўз хатларида экономикани янада ривожлантириш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, хўжалик юритишни яхшилаш усулларини жорий этиш борасида амалий ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

«Совет Ўзбекистони» газетаси мухбири республика олий ҳокимиятига мурожаат қилиб ана шу хатлар билан танишишга ижозат сўради.

(Давоми иккинчи бетда).

# ПАРТИЯ МАТБУОТИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

## *КПСС Марказий Комитетининг «Правда» газетаси тўғрисидаги қарори дастуриламалдир*

Партиянинг етакчилик, жипслаштириш ролини мустаҳкамлаш, унинг оммага таъсирини кучайтириш вазифаси янгича қўйилаётган ҳозирги вақтда, худди ана шундай амалий ишда партия матбуоти, аввало, КПСС Марказий Комитетининг органи бўлган «Правда» газетаси энг муҳим ўрин тутади. Буни партиямиз Марказий Комитети «Правда» газетаси тўғрисида яқинда қабул қилган қарорининг асосий ғояси, деб айтиш мумкин. Мазкур қарорда аслида бутун партия матбуотининг қайта қуриш ҳозирги босқичидаги фаолияти режаси таклиф этилган.

Аввало, биз бу принципиал ҳужжатнинг талабчанлик ва сафарбарлик тусида эканини қайд этамиз. КПСС Марказий Комитети рўй-рост шуни таъкидладики, «Правда» газетасида яқин ўтмишгача эълон қилинган мақолалар замонавий талабларга ва ўқувчиларнинг эҳтиёжларига тўла жавоб бермай келган эди. Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин! Бу хулоса Марказий Комитетнинг қарорида аниқ-равшан ифодалаб берилган: ўз вазифасини адо этмоғи учун бутун партия матбуоти сингари «Правда» газетаси ҳам фаоллик билан ишни қайта қуриши, ақидапарастлик билан фикр юритиш, бир қолипда ишлаш, қуруқ расмиятчиликдан қатъият билан воз кечиши керак.

Бизнингча, ҳозир ўқувчи ғоят кўп нашрлар ичидан алоҳида манфаатдорлик билан жуда ҳалол ва масъулиятли маслаҳатгўйни қидирмоқда. Газетамиз номининг ўзи ҳам зиммамизга катта мажбуриятларни юклайди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлаётган, мураккаблиги ва миқёслари жиҳатдан мисли кўрилмаган жараёнлар кечаётган бир шароитда буларни теран ва ишнинг кўзини билиб тахлил этишга бўлган талаб, аниқ-равшан баҳо бериш, ҳаққоний сўзга бўлган эҳтиёж беқиёс ўсиб кетмоқда. Одамлар юзага келган ижобий силжишларни ҳам, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, ишни барбод қилиш, салбий ҳодисалар сабаблари ҳақида ҳам бор гапни билишни истайдилар. Хўш, ана шу ва шунга ўхшаш баъзан жуда ўткир ва ҳаққоний саволларга ким батафсил жавоб беради! Ташаббус мамлакатда қайта қуришни бошлаган партия матбуоти қўлида бўлиши керак. Бунинг учун эса фақат ҳақиқатни ёзиш, тубдан янгиланиш йўлини собиқадамлик билан ўтказиш лозим бўлади.

Қайта қуришни қай тахлитда муваффақиятлироқ рўёбга чиқариш мумкин! Бу жўн савол эмас. Ушбу савол батафсил ва ҳар жиҳатдан муҳокама қилишни талаб этади, матбуотнинг иштирокисиз бу юмушни адо этиб бўлмайди. Партиянинг бош матбуот минбари бўлган «Правда» КПСС XXVIII съезди арафасида умупартиявий мунозарани авж олдиришда олдинда бўлишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитетининг съездолди Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳаларида ҳамда Марказий Комитетнинг мамлакат коммунистларига очиқ мактубида ўртага қўйилган муаммолар муҳокамасининг марказида турибди. Матбуотнинг вазифаси амалий мулоқотни ривожлантириш, айни вақтда бу мулоқотни принципиал партиявий позициялардан туриб олиб боришдан иборат.

Эндиликда қаламкашнинг, публицистнинг тадқиқоти назарий тадқиқот билан тобора узвий боғланиб кетмоқда. Бу совет давридаги тарихимизнинг оғриқли мавзуларида ҳам, замонавий ғоявий-сиёсий соҳанинг ҳар хил зиддиятли жараёнларига ёндашувда ҳам, инсонпарвар, демократик социализм концепциясини ишлаб чиқишда ҳам ўз ифодасини топмоқда. «Правда» зиммасига шиддат билан ривожланаётган ижтимоий тафаккурнинг баобрў минбари бўлишдек вазифа юклангани бежиз эмас. Оммани ижодкорлиги, жамият ҳақидаги фанларнинг равнақи туфайли ҳам назарияда, ҳам амалиётда пайдо бўлаётган барча янги ва энг илғор нарсаларни партия матбуоти ёрқин ва тушунарли тарғиб қилиши керак. Ленинча меросни ҳозирги кунда ижодий ўзлаштириш матбуот учун алоҳида аҳамиятга молик бўлган муаммодир.

«Правда» газетхонлари бизга мактуб йўллаб, газета инсон кўнглига йўл топсин, деб таъкидламоқдалар. Марказий Комитет қарорида ҳам қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Правда»нинг, бутун партия матбуотининг диққат марказида инсон туриши керак. Инсоннинг ўй-ташвиши ва эҳтиёжлари, фаол ижтимоий сиёсатнинг ўтказилиши, шахснинг ҳар жиҳатдан камол топиши учун шарт-шароит яратиб бериш тўғрисидаги мавзуларни биз турли йўсинда ва ҳар хил жанрларда газетамизнинг деярли ҳар бир сонида ёритиб бораверамиз.

Равшанки, одамлар турмушини яхшилаш иқтисодиётимизнинг аҳволига боғлиқдир. Эндиликда иқтисодиёт сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўймоқда, ушбу боқсич иқтисодиёт муаммоларини матбуотда ёритишга янгича ёндашувлар бўлиши лозимлигини тақозо этяпти.

«Правда» ва бошқа партия матбуоти саҳифаларида жамият маънавий ҳаёти барча соҳаларининг хилма-хиллиги яна ҳам кенгроқ ёритилиши лозим. Қайта қуриш мантиқи ва моҳиятининг ўзи ҳам дунёқараш маданиятини, сиёсий, ишлаб чиқариш, экология, бадиий ва ҳуқуқий маданиятни тобора ошириб боришни талаб этмоқда. Матбуот маданият куч-қудратини мамлакатдаги маънавий муҳитни соғломлаштиришга йўналтириш, умумбашарий принциплар ва ахлоқ-одоб нормаларини қарор топтиришда кўп иш қилиши мумкин.

Қарор КПСС Марказий органининг обрўси ва оммавийлигини ўстириш тўғрисида ғамхўрлик билан йўғрилгандир. «Правда» мамлакатдаги салоҳиятли ва ижодий кучларнинг жозибадор маркази бўлиши, унинг саҳифаларида энг яхши публицистлар ва ёзувчилар, замонавий фикр юритадиган олимлар ва ишчилар, санъат арбоблари ва деҳқонлар, ветеранлар ва ёшлар ўз мақолалари билан чиқишлари биз учун жуда ҳам ардоқлидир. Кейинги вақтда мамлакатнинг турли минтақаларида «Правда» дўстларининг ташаббускор клублари очилганини эшитиб хурсанд бўлмоқдамиз, ушбу клублар газетхонлар ва муаллифлар билан редакция алоқаларини мустаҳкамлашга, газетани тарғиб этишга ёрдам бермоқда. «Правда»нинг ҳар йили ўтказиши мўлжалланаётган фестивалларга ҳам шунга хизмат қилиши керак, шундай фестивалнинг дастлабкиси 5-6 май кунлари СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлади. Сизни ҳам сизу бизнинг газетамиз, бутун партиямиз байрамида иштирок этишга таклиф қиламиз.

Ҳаёт партия комитетларининг ўз матбуоти билан алоқасини ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб қилмоқда. Ҳозир оммавий ахборот воситаларига партиявий раҳбарликнинг илгариги концепцияси кўп жиҳатдан тузатилмоқда ва унга ўзгаришлар киритилмоқда. Илгари расм бўлган маъмуриятчилик-буйруқбозлик усуллари истеъфога чиқмоқда. Аммо бундан эндиликда ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин, партия комитетлари матбуот билан ҳар қандай муносабатлардан ўзларини батамом четга оладилар, деган маъно келиб чиқмайди. Аксинча, Марказий Комитет қарори мазкур муносабатлар яна ҳам мустаҳкамроқ бўлиши керак, деб йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Эндиликда бу муносабатлар шунчаки бўйсуниш ва кичикнинг каттага қулоқ солиши муносабатлари бўлмай, кўпроқ шериклик, ҳамкорлик, доимий ҳамжиҳатлик муносабатлари бўлади. Партия комитетларининг ходимлари ўзларини партиявий журналистларнинг ўртоқлари, ҳамкасблари деб ҳис этишлари, унинг мақолалари таъсирчанлигини таъминлашга ёрдам беришлари, жойлардаги мухбирларни қўллаб-қувватлашлари, муаллифлар сафини кенгайтиришлари ва ўзлари ҳам матбуотда тез-тез мақолалари билан чиқиб туришлари керак.

Партия иши — бизнинг умумий ишимиз. Биз, правдачилар, ҳозирги жўн бўлмаган даврда партиянинг ишончли ёрдамчилари бўлишга ҳаракат қиламиз. Инсонпарварлик ва демократия негизида партияни, жамиятни янгилашга қўлимиздан келганча ҳисса қўшамиз, бунинг учун бутун куч-ғайратимизни, истеъдодимизни сарф-лаймиз.

(«Правда» газетасининг 1990 йил 24 апрелдаги бош мақоласи).

*1941—1945 йилларидаги Улуғ Ватан урушида Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини асраб қолган совет халқига шон ва шарафлар!*

*Уруш ва меҳнат ветеранларини, шонли Қуролли Кучларимизни Биринчи Май билан самимий табриклаймиз!*

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

# У КУНЛАРНИНГ ШУҲРАТИ ЎЧМАС!

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва учала даражадаги барча Шуҳрат орденларининг соҳиблари бўлган ўзбекистонликлар байрамона либосда, жанговар мукофотларини кўкракларига тақиб тантанали учрашувга келдилар. Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган бу учрашув 25 апрель куни Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгашида бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси Р. Ғуломов очди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Биз ҳаммамизни бирлаштириб турган энг яхши хислат ва фазилатлардан баҳраманд бўлиш учун тарихимизга қайта-қайта мурожаат қиламиз, дедик. Зеро, деҳқон ернинг ҳақиқий хўжайинига айланиб бормоқда. Унга мустақиллик берилгани ижодий ишлашга, изланишга, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга имкон беради. Шунинг учун ҳам хўжаликда эришилаётган ютуқлар тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса, барча майдонлар оилавий пудратчиларга бўлиб берилгани яхши омил бўлмоқда. Ўтган йили хўжаликда 280 та оилавий пудратчи ишлаган бўлса, бу йил улар сони 350 га етди. Уларга 6—10 гектардан майдон ажратиб берилди.

Бултур ана шу оилавий пудратчилар хўжалик хирмонининг асосий қисмини кўтаришган эди. Масалан, Баҳодир Жалилов бошлиқ оилавий звено 10 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектар ердан 44 центнердан хирмон кўтарди. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортга соҳиб бўлди. Шу сабабли оила аъзолари 1 сўм иш ҳақига 5 сўмдан қўшимча ҳақ олишди. Умуман оила 14 минг сўм даромад олди. Ҳолдон Турсунова бошлиқ оилавий звено 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан, Зумрад Эшқувватова етакчилигидаги оилавий звено 6 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан, Фаттоҳ Усмонов оиласи эса 5 гектар ердан 34 центнердан «оқ олтин» олди.

Ана шу илғорларнинг ғайрат-шижоати туфайли Бойжон Алимардонов, Юсуф Эшмуродов, Иброҳим Соатов, Бахтиёр Соатов бошлиқ бригадаларнинг миришкорлари ҳосилдорликни 35—40 центнерга етказишди. Умуман хўжалик бўйича ҳар гектар ердан олинган ҳосил 22,5 центнерни ташкил этди. Бу чўл зонасидаги хўжалик учун ёмон кўрсаткич эмас. Давлатга пландаги 4200 тонна ўрнига 4405 тонна пахта сотилди. Бу хўжаликка катта даромад келтирди. Тўрт миллион 565 минг сўмлик маблағ олинди. Шунинг 458 минг сўми соф фойда. Ишчилар эса мукофот билан қўшиб ҳисоблаганда 190—210 сўмдан иш ҳақи олишди.

Бу йил совхознинг пахта майдонлари анча қисқариб, 1770 гектар ерагина чигит экилади. Қолган майдонларда сабзавот, картошка, озуқа экинлари етиштирилади. Ҳозиргача 25 гектар ерга сабзавот, 25 гектарга дон учун маккажўхори, 20 гектар ерга лавлаги, 7 гектар ерга картошка, 193 гектар ерга беда сепилди. Булар совхоз меҳнаткашларини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга ҳамда фермадаги 400 дан зиёд қорамолни боқишга етарли.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Суратларда: 1. Учрашувда республика Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлаётган пайт. 2. Учрашув қатнашчилари.

А. Горокрик олган суратлар (ЎзТАГ).

## СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВнинг УРАЛ ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

СВЕРДЛОВСК, 25 апрель. (ТАСС мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачев бугун мамлакатимизнинг энг катта саноат ва илмий марказларидан бирига келди.

Свердловск аэропортида Михаил Сергеевични вилоят раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар. Русларга хос анъанавий меҳмондўстлик кўрсатилди.

## МАҲСУЛОТЛАРНИ ЧЕТГА ЧИҚАРИШ ВА МАМЛАКАТГА КЕЛТИРИШГА ЛИЦЕНЗИЯЛАР ҲАҚИДА

СССР Министрлар Совети давлат ташқи иқтисодий комиссияси 1990 йил 27 мартда корхоналар, бирлашмалар, ишлаб чиқариш кооперативлари ва ўзга совет ташкилотлари 1990 йилда лицензиялар билан мамлакатдан четга чиқараётган ва мамлакатга келтираётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) рўйхатини тўлдириш ва аниқлашга доир қарор қабул қилди.

1990 йил 1 майдан бошлаб дон экинлари уруғлигини четга чиқаришга лицензия жорий этилади—лицензиялар СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги беради, шунингдек ветеринария дори-дармонларини четга чиқариш ва келтиришга лицензия жорий этилади — лицензияларни СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан келишиб, СССР Министрлар Советининг озиқ-овқат ва харид давлат комиссияси беради.

СССР божхона идораларига 1990 йил 1 майдан бошлаб мазкур маҳсулотни СССР Давлат чегарасидан маҳсулот етказиб берувчиларда ва олувчиларда тегишли органлар томонидан берилган лицензиялар мавжуд бўлган тақдирдагина ўтказиш топширилди.

(ТАСС).

# ТАДБИРКОРГА ЁМҒИР ПИСАНДМАС

*РЕПОРТАЖ*

Яна ҳаво айниди. Осмонда булутлар кеза бошлади. Пахтакору механизаторлар яна ташвишда. Ахир яна ёмғир шивалай бошлади-да...

Ана шундай қўқлам инжиқликларини бошидан кечираётган бригада пахтакорлари ҳавонинг қулай келган ҳар бир фурсатидан фойдаланишга интилмоқдалар. Улар далаларга ўз вақтида барака уруғини қадамоқдалар. Бу йил Иброҳим Соатов бошлиқ бригада коллективи пахтадан мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилган. Бироқ ҳаво айниб, тез-тез ёғингарчиликлар бўлиши туфайли чигит экиш бирмунча кечикмоқда.

— Ҳали фурсат бор, — дейди бригада бошлиғи. — Қулай кунлардан самарали фойдаланса, чигитни ўз вақтида экиб оламиз.

— Шуни қувонч билан таъкидлаб ўтишим мумкинки, мавсум бошида эккан чигитларимиз униб чиқди. Ҳозир ўша майдонларда парваришни ҳам давом эттиряпмиз.

Умуман Қамаши районидаги Гагарин номли совхоз далаларида бу йил чигит экиш одатдагидан кечроқ бошланди. Ер намга тўйинди. Шу сабабли энди далаларга чигит суви беришнинг ҳожати йўқ. Фақат ўз вақтида уруғ экиб олинса бас. У ўз намига униб чиқади.

Айни кунларда хўжалик далаларида тракторлар иши авжида. Механизатору сеялкачиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қўлидан иш келадиган ҳар бир кексаю-ёш далада. Уларнинг мақсади 1 Май байрами бошлангунича барча майдонларга чигит экиб бўлиш.

— Биз чигитни ёмғирлар бошланмасдан аввал барча майдонларимизга экиб бўлгандик, — дейди илғор бригада бошлиғи Муродилла Ўзбеков. — Ҳозир чигит экилган майдонларимизнинг 70 фоизида яшил ниҳоллар пайдо бўлди. Энди қатқалоқ юз беришига йўл қўймай, парваришни авж олдиришни мўлжаллаб турибмиз. Шунинг учун барча техника воситалари шай ҳолга келтирилган. Механизаторларимиз ҳам бўш келишмайди.

Айрим бригадаларда чигит униб чиққани билан асосий майдонларда ҳали чигит экиш давом этмоқда. Бу ишларда Эргаш Норчаев, Амин Худойқулов, Исмоил Пардаев, Тожи Қудратов сингари механизаторлар кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Улар кунига 15—16 гектар майдонга уруғ қадамоқдалар. Умуман хўжалик бўйича 32 та сеялка юксак унум билан ишлатилмоқда. Кунига 300—350 гектар ерга чигит экилаётгани ёмон эмас. Ҳозиргача минг гектардан зиёд майдонга барака уруғи қадалди.

Пахтакорларнинг шу кунлардаги зардор меҳнати деҳқон қадри тобора ошаётганлигига муносиб жавобдир. Зеро, деҳқон ернинг ҳақиқий хўжайинига айланиб бормоқда. Унга мустақиллик берилгани ижодий ишлашга, изланишга, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга имкон беради. Шунинг учун ҳам хўжаликда эришилаётган ютуқлар тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса, барча майдонлар оилавий пудратчиларга бўлиб берилгани яхши омил бўлмоқда. Ўтган йили хўжаликда 280 та оилавий пудратчи ишлаган бўлса, бу йил улар сони 350 га етди. Уларга 6—10 гектардан тилди. Шу сабабли оила аъзолари 1 сўм иш ҳақига 5 сўмдан қўшимча ҳақ олишди. Умуман оила 14 минг сўм даромад олди. Ҳолдон Турсунова бошлиқ оилавий звено 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан, Зумрад Эшқувватова етакчилигидаги оилавий звено 6 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан, Фаттоҳ Усмонов оиласи эса 5 гектар ердан 34 центнердан «оқ олтин» олди.

Ана шу илғорларнинг ғайрат-шижоати туфайли Бойжон Алимардонов, Юсуф Эшмуродов, Иброҳим Соатов, Бахтиёр Соатов бошлиқ бригадаларнинг миришкорлари ҳосилдорликни 35—40 центнерга етказишди. Умуман хўжалик бўйича ҳар гектар ердан олинган ҳосил 22,5 центнерни ташкил этди. Бу чўл зонасидаги хўжалик учун ёмон кўрсаткич эмас. Давлатга пландаги 4200 тонна ўрнига 4405 тонна пахта сотилди. Бу хўжаликка катта даромад келтирди. Тўрт миллион 565 минг сўмлик маблағ олинди. Шунинг 458 минг сўми соф фойда. Ишчилар эса мукофот билан қўшиб ҳисоблаганда 190—210 сўмдан иш ҳақи олишди.

Бу йил совхознинг пахта майдонлари анча қисқариб, 1770 гектар ерагина чигит экилади. Қолган майдонларда сабзавот, картошка, озуқа экинлари етиштирилади. Ҳозиргача 25 гектар ерга сабзавот, 25 гектарга дон учун маккажўхори, 20 гектар ерга лавлаги, 7 гектар ерга картошка, 193 гектар ерга беда сепилди. Булар совхоз меҳнаткашларини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга ҳамда фермадаги 400 дан зиёд қорамолни боқишга етарли.

Айни кунларда хўжалик деҳқонлари минг гектардан зиёд ерга чигит экиб бўлишди. Пайкалларга асосан «Ф—108» навли оқ пахта ва «Термиз—16» навли ингичка толали пахта чигити экилмоқда.

— Бу йилги шароитда биз асосан деҳқонларимизнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга ҳаракат қиламиз, — дейди совхоз директори Бойжон Эшмуродов. — Барча саъйи ҳаракатларимизни мана шу савобли ишга бағишладик. Зеро шу мақсадда ҳар бир бригаданинг дала шийпони атрофларида мевазор яратишга имконият яратдик. Бундан ташқари ўша ерлардаги икки-уч гектарлик майдонларда бодринг, помидор, ҳар хил ош-қўқлар етиштиришга ҳам рухсат бердик. Ўйлайманки, бу ишлар келгусида эришилажак янги ютуқларимизга пойдевор бўлади.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам совхоз деҳқонларининг нияти ўзгача. Бинобарин улар халқимизни фақат мўл пахта билангина эмас, бошқа маҳсулотлар билан ҳам хурсанд этишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг шу кунлардаги ғайрат-шижоати бу ниятнинг ҳақиқатга рўёбга чиқишидан далолат беради.

**Ш. МИРҲАБИБОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

# ПРЕЗИДЕНТГА ХАТЛАР

## УЛАР НИМАЛАР ҲАҚИДА?

### «Табриклайман»

Каттагина стол устида хатлар уюми. Уларни ҳозиргина олиб келишган. Биз ушбу хатлар қатини очган дастлабки ўқувчилардан бири бўлдик.

«Ҳурматли Президент...» Ярим бет, бир бет ва ҳатто бир неча ўн бетдан иборат деярли ҳар бир хат шу пайтгача қўлланилмаган янги, аммо ҳозир ҳамма кўникма ҳосил қилаётган ана шундай сўзлар билан бошланган. Уларнинг кўпчилик қисми республикада президентлик бошқаруви жорий этилганига муносабат билдириб ёзилган. «85 ёшдаман, — деб ёзади самарқандлик меҳнат ва уруш ветерани С. Исматуллаев. — Партиянинг кекса аъзоси сифатида республика тарихида биринчи Президент қилиб сайланганингизга билан табриклайман. Бу лавозим зиммангизга жуда ҳам оғир ва машаққатли масъулият юклайди. Халқ билан доимий суратда маслаҳатлашиб турсангиз сира ҳам ҳам бўлмайсиз. Ишларингизга муваффақият тилайман».

Бошқа конверт. Буниси Тошкент шаҳридан. Муаллифи — М. Фатхуллаева. «Музика асбоблари фабрикасида ишлайман, бригадирман. Мен ва ўртоқларим сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизда содир бўлаётган инқилобий ўзгаришларни тўла қўллаб-қувватлаймиз,» деб ёзади у.

«Мен пропагандистман. Халқимизнинг кайфиятини жуда яхши биламан. Ҳаётимизни қанчалик тез қайта қуриб олишга эришсак, турмуш фаровонлиги ҳам шу даражада бўлади. Буни республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон чуқур тушуниб олиши керак». Самарқанд область ўрмон хўжалиги бирлашмаси ходими, меҳнат ветерани И. Неъматовнинг ана шу фикри бошқа ўнлаб хатларда ҳам ифодаланган. Муаллифлар республика Президентини янги лавозим билан табриклаб, жумҳурият меҳнаткашлари турмуш даражасини яхшилаш, иқтисодий ривожланишга эришиш юзасидан ўз шахсий таклиф ва мулоҳазаларини ҳам билдирганлар. Жумладан, Тошкентлик А. Рябченко шундай деб ёзади: «Демократия — ҳаётий эҳтиёжимизга айланди. Аммо бу сира ҳам тартибсизлик, бошбошдоқлик, деган гап эмас. Қатъий интизом ва тартиб ўрнатмай демократияга эришиб бўлмайди. Президент сифатида ана шунга алоҳида эътибор беришингизни истаймиз».

Хатларни ўқишда давом этамиз. Уларнинг муаллифлари оддий ишчи, деҳқон, қурувчи, хизматчи ёки академик бўлишидан қатъи назар, жумҳуриятимизнинг ҳозирги кун ва келажаги учун жонкуярлик билан партия ва ҳукуматимиз юритаётган сиёсий ва иқтисодий йўлга ўз муносабатларини билдирмоқдалар.

### «Ёзмасам бўлмайди»

Ҳа, қайта қуриш ва янгиланиш омма ўртасида жуда катта ташаббускорликни вужудга келтирди. XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси демократия ва ошкораликни янада ривожлантириш, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини кучайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар республика аҳолиси кайфияти, хоҳиш ва иродаси билан уйғунлашиб кетмоқда. Аҳоли барча табақаларининг ижтимоий фаоллиги ошяпти, ўзи меҳнат қилаётган корхона, қурилиш, колхоз ёки совхоз тақдири учун масъулияти кучайиб бормоқда. Бошқача айтганда ҳозир шундай бир вазият вужудга келдики, жамиятнинг ҳар бир аъзоси умум иши учун кўпроқ жавобгарлик ҳис этадиган бўлиб қолди. Ана шу жиҳатдан «Ўзбеккровля» комбинати меҳнат коллективи кенгаши раиси Ю. Мамажонов, директори Т. Каримов, партия комитети секретари С. Ўлмасов, касаба уюшмаси ташкилоти раиси Т. Умаровнинг хати эътиборга сазовор. «Комбинатимизни хом-ашё билан узлуксиз таъминлаш масаласи ҳал бўлмаяпти, — деб ёзадилар улар республика Президентига. — Ўтган йили корхонага пландагидан 3700 тонна кам хом ашё берилди. Бу йил аҳвол янада оғирлашди. Макулатура етказиб бериш плани бажарилмагани сабабли, республикада ягона юмшоқ том ёпғич материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз оғир молиявий аҳволга тушиб қолди. Республика Моддий-техника таъминоти давлат комитети айби билан ишлаб чиқариш планида кўзда тутилганидан 3 минг тонна кам макулатура етказиб бериш учун шартнома тузилди. Демак йиллик планни барбод бериш учун ҳозирданоқ замин яратилди. Жавобгарлик ҳиссини йўқотган ана шу комитет раҳбарларига нисбатан Президент сифатида тегишли чора кўришингизни сўраймиз». Бундай шикоятлар ўқиган кишида жиддий ташвиш туғдириши табиий, албатта. Республика Моддий-техника таъминоти давлат комитети «Узбеккровля» комбинатини хом ашё билан таъминлашни ўз зиммасига олган экан, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш унинг бурчи бўлиб қолиши керак. Хатда таъкидланишича, комитетда осон йўл изига тушиб, хом ашё етказиб бериш планини қисқартириш билан кифояланиб қўя қолишган. Таажубланарли воқеа: комбинат коллективи хом ашё етказиб беришса ҳар қанча бўлса ҳам ишлаймиз, деб талабгор бўлиб турсаю, таъминотчилар эса уларнинг йўлини кесиб, бунга йўл қўйишмаса? Бу меҳнат коллективининг ғайрат-шижоатини сўндириш, ташаббусини бўғиш, бошқача айтганда қайта қуришга зид эмасми?

Қуйидаги хат ҳам кишини чуқур мулоҳаза юритишга мажбур этади. Унинг муаллифи В. Исоқконов, Андижон областидаги Ленинск шаҳрида истиқомат қилади, жуда ҳам жиддий ижтимоий муаммо ҳақида фикр юритган. «Шаҳримизда иккита пахта тозалаш заводи бор, — деб ёзади у республика Президентига. — Бу корхоналар хом ашё тугаб қолиши сабабли асосан март-апрель ойларигача ишлайди. Шундай экан, 40 минг киши истиқомат қиладиган шаҳримиз учун иккита пахта тозалаш заводи бўлиши шартми, деган савол туғилади. Бир корхонани йил бўйи тўхтатмай ишлайдиган қилиб, иккинчисини халқ истеъмоли моллари ёки озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонага айлантирган маъқул бўлмасмикан? Менимча шундай қилинса, бу аввало шаҳарни чанг-чунгдан тозалаш имконини беради, қолаверса ишсиз кишиларни доимий иш билан таъминлаш мумкин бўлади. Афсуски, бу масала кўп йиллардан бери ҳал бўлмай келяпти». Хатда кўтарилган масаланинг қанчалик муҳимлигини изоҳлашнинг ҳожати йўқ. Область ва шаҳар Совети ташкилотлари шу ҳақда мулоҳаза юритишлари зарур, холос.

Хатлар орасида хўжаликлар ва ҳатто оилалар ўртасидаги ер жанжалига оидлари кўп. Масалан, Самарқанд областидан С. Ҳамроевнинг ёзган хатида ана шу ҳақда сўз боради. «Пастдарғом ва Большевик районлари чегарасида янги ташкил топган «Меҳнатобод» колхози ва «Дўстлик» совхози ўртасидаги ер можароси уч ойдан буён давом этиб келяпти, — деб ёзади С. Ҳамроев. — Бунга район ва область раҳбарларининг аралашмай ўзларини четга олаётганликлари сабаб бўлмоқда. Бизнинг «Дўстлик» совхозида 1300 гектар ер ериниз бор. Шундан 440 гектарнигина колхозга қайтаришган. Қолган 860 гектари ҳам хўжалигимиз деҳқонларига берилиши керак».

Косонсой районидаги «Коммуна» колхози аъзоларидан 21 киши имзо чеккан хатнинг мазмуни ҳам хўжаликлар ўртасидаги ер жанжалидан иборат: «Район ижроия комитети комиссияси қарори билан «Правда» колхозидаги «Ертикан» массивидан «Коммуна» колхозига 100 гектар экин майдони олиб берилгач, икки хўжалик ўртасида кўп йиллардан бери давом этиб келаётган низо тинчиган эди. Бироқ «Правда» колхозидаги баъзи кишилар қутқуси билан шу йил 26 март куни жанжал яна авжига чиқди. Район раҳбарлари эса низони тинчитишда ожизлик қилмоқдалар.

Навбатдаги хат ҳам ер жанжали ҳақида. Бу хатга 88 киши имзо қўйган. Унинг мазмунини тўлалигича келтирамиз: «Совхозимиз 3965 гектар ерда деҳқончилик қилади. Асосий экин — пахта 3 минг гектар майдонни эгаллаган. Хўжалик кўп йиллардан бери зарар кўриб келарди. Кейинги икки йилда оила ва ижара пудратлари жорий этилгани сабабли давлатдан олинган қарзлардан қутилиб, 2 миллион сўм фойда кўрдик. Ялпи пахта ҳосили 5980 тоннадан 7880 тоннага етди. Шунга қарамай, совхоз баъзи шахсларнинг манфаатини кўзлаб, уч қисмга бўлиб юборилди. Бу бўлинишлар аслида Большевик райони қайта ташкил этилиши муносабати билан амалга оширилди. Ҳозир хўжаликнинг 80 фоиз аҳолиси Пастдарғом райони ихтиёрида қолишни, 20 фоиз қисми эса Большевик районига ўтишни истайди. Наҳотки озчиликнинг хоҳиши билан ривожланиб келаётган хўжалик бўлиб юборилса? Эътибор беринг-а, хўжалик бўлингач, бошқарув аппарати ҳозиргига нисбатан уч баравар кўпаяди. Шу пайтгача аппарат ходимлари учун 70 минг сўм иш ҳақи сарфланган бўлса, эндиликда уларга 210 минг сўм берилади. Ахир, ҳар бири 1000 гектардан учта хўжалик ташкил топса, уларнинг иқтисодий қуввати ҳам пасайиб кетмайдими? Бунинг устига совхоз чўл зонасида жойлашганлигини, қўшимча қурилишлар қилиш лозимлигини ҳам эътиборга олишмаяпти. Хўжаликда иш умуман тўхтаб қолмоқда. Ишчилар далага чиқиб ишлаш ўрнига икки гуруҳга бўлиниб, маърузабозлик билан банд бўлмоқдалар. Наҳотки, ошкоралик ва демократия дегани шудай бўлса?».

Йўқ, жойларда содир бўлаётган бундай тартибсизликлар ва хўжасизликларга демократиянинг ҳам, ошкораликнинг ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аксинча, қайта қуриш ва янгиланиш ҳар бир соҳада ўта тежамкор бўлишни, кишиларнинг фойдасини кўзлаб иш юритишни, ҳар бир ўзгаришдан иқтисодий ривожланишни кўзлашни талаб қилади. Ер жанжали, турли хил низолар ва келишмовчиликлар ана шу хўжалик раҳбарларининг, қолаверса, район ва область партия, совет раҳбарларининг ишга масъулият билан ёндашмаётганлиги, тўғрироғи, тажрибасизлиги ва уқувсизлиги сабабли вужудга келяпти, деб баҳолаш ўринлидир.

### Масъулият—шахсий

Хатга эътибор — шахсга эътибор, деган иборани кўп ишлатамиз. Сабаби — ҳар бир хатнинг қатларида инсон тақдири, унинг ташвиш ва ўйлари ётади. Уларга эътибор бермаслик турмуш тарзимиз мазмун ва моҳиятига бутунлай зиддир. Аммо хатларни ўқир эканмиз, ўларнинг мазмунидан областлар, район ва шаҳарларда ҳали ҳам уй-жой тақсимотида, савдо ва соғлиқни сақлашда жиддий ўзгаришлар ясалмаётганлигини уқиб олиш мумкин. Бундай мазмундаги хатлар Президент номига келаётган кундалик хатларнинг кўпчилик қисмини ташкил этмоқда. «11 квадрат метр ҳажмдаги уйда икки оила — жаъми беш киши истиқомат қиламиз. Файзулла Хўжаев район ижроия комитети уй сўраб берган аризамни жавобсиз қолдиряпти», — деб ёзади Бухоро область граждан мудофааси штаби хизматчиси А. Шарипов. Вобкент районидаги Киров кўчасида яшайдиган М. Азизованинг ҳам уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисидаги илтимоси қондирилмаяпти. Бундай мазмундаги хатлар жуда кўп.

Мана бу хат уни ўқиган кишини чуқур мулоҳаза юритишга мажбур қилади. «Ёшим 42 да, — деб ёзади тошкентлик С. Шодиев. — Тарих фанлари номзодиман. Икки фарзандим бор, умр йўлдошим муаллима. Яшайдиган жойимиз эса ётоқхона. Тўрт киши жаъми 9 квадратдан иборат хонада ўн йилдан бери яшаяпмиз. Ўзим эсимни таниганимдан бери турли хил ётоқхоналар ва ижара уйларда истиқомат қиламан. Ахир Тошкентга кечагина келганлар орадан кўп ўтмай, уйли-жойли бўлиб кетаётганлигини кўриб, эшитиб юрибмиз-ку. Наҳотки, навбат бизга келганида район Совети раҳбарлари сўзи билан айтганда уй-жой тақчил бўлса».

Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди Ҳаракат дастурида инсон омили биринчи даражали вазифа деб таъкидланди. Кишиларни уй-жой билан таъминлаш ва якка тартибда уй қуриш учун ер ажратиш изчиллик билан бажарилмоқда. Бироқ жойлардан келаётган шикоятларда район ва шаҳар партия, совет ташкилотларида бу соҳада ҳали ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани рўйрост айтилмоқда. Масалан, Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз собиқ раиси Р. Ҳасанов ер тақсимотида ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйган. У биринчи галда колхозчиларга эмас, хўжаликда ишламайдиган шаҳарлик дўстларига ер ажратиб берган. О. Эгамберганов, Х. Жуманиёзова ўз хатларида ана шулар ҳақида батафсил маълумот беришган. Поп шаҳридан М. Турсунов уй-жой қуриш учун берилаётган ер майдони жуда ҳам оз эканлигидан шикоят қилади. «Мен бу ҳақда райкомнинг биринчи котиби Бурхоновга мурожаат қилдим, — деб ёзади у. — У эса райижроком раиси Каримовга юборди. Каримов қурилиш ишлари бўйича муовини В. Алиевга учрашишни маслаҳат берди. Раис муовини эса қарорни тасдиқланганмиз, ортиқча ер бермаймиз, қаерга шикоят қилсанг қилавер, деб чиқариб юборди. Бу хилда «бор отангга, бор онангга» қабилида бюрократларча иш тутишлардан қачон ҳалос бўларкинмиз?»

### Адлия адолат демакдир

Меҳнаткашларнинг хатлари ва шикоятлари билан ишлаш энг аввало одамлар билан ишлаш дегани. Бироқ жойлардаги мансабдор шахсларнинг эътиборсизлиги ва масъуличиятсизлиги сабабли кишиларни марказий ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур этяпти. Президент номига келган хатлар таҳлили бундай аҳвол кўпроқ ички ишлар ва адлия ходимлари фаолиятига тааллуқли эканлигини кўрсатмоқда. Фикримизнинг далили сифатида ана шу мазмундаги ўнлаб хатлардан айримларини қисқартирган ҳолда айнан келтирамиз:

«1988 йил 28 март куни ўғлимиз Аҳмедов Зиёвуддин такси ҳайдовчи Абдукаримов Маратнинг маст ҳолда автомашинани бошқаргани оқибатида ҳалок бўлди. Орадан кўп ўтмай, дадасига ичиккан ўғли ҳам ҳаётдан кўз юмди. Шундай қилиб бир оила тугади. Лекин, қотил таксичи Абдукаримов эса ҳамон очиқда юрибди. ГАИ ходими А. Юсупов мансабидан фойдаланиб, масалани Абдукаримов фойдасига ҳал қилди. Чунки, Жиззах область ички ишлар бошқармаси бош терговчиси О. Олланазаров ҳам қотил томонида. Адлия ходимларининг бу хилда бир-бирини қўллаши қачонгача давом этади?

**Н. Аҳмедов**, Жиззах шаҳар, «Москва» колхози».

«Бухоро область ички ишлар бошқармаси терговчиси М. Бобоев 1985 йил 10 февралида устимиздан ноҳақ жиноий иш қўзғаб, сохта тухмат ва уйдирмалардан иборат кўрсатмалар олиб, жиноий жавобгарликка тортган эди. Олти йилдан бери бу иш тасдиқланмай, судма-суд сарсон бўлиб келмоқдамиз. Ҳозир жиноий иш билан область суди шуғулланяпти. Терговчи М. Бобоев мени уриб ногирон қилганлиги учун устидан жиноий иш қўзғатилган. Бироқ адолатсизликни қарангки, Бухоро область суди ва адлия раҳбарлари унинг номзодини область суди аъзолигига тавсия қилмоқдалар. Жиноятчи жавобгар бўлиши ўрнига хизмат лавозими кўтарилмоқда.

**Р. Шукуров**, Бухоро шаҳар, Учқун кўчаси».

«Турмуш ўртоғимни бурноғи йили ички ишлардан бўшатиб, ишини прокуратурага оширдилар. У ердан эса қуйидаги жавоб олинди: «ЖПКнинг 5-моддаси 2-қисми билан бу иш бекор қилинди». Мен ўтган йили ички ишлар министри ўринбосари Маматов қабулига кирдим. У бу ишни текширишга ваъда берди. Лекин орадан бир йил ўтса ҳам аҳвол ўзгармаяпти. Ҳар куни Тошкентга қатнаш учун эса оиламизнинг иқтисодий томони тўғри келмайди.

**Ҳ. Нодирова**, Денов район, Юрчи посёлкаси».

«1988 йил 29 август куни 12 яшар ўғлим — Давлат даладан сигир учун икки боғ ўт олиб келаётганида 48 ёшли дала қоровули Эҳомон Очилов унинг кўкрагига пичоқ уриб бехуш қилди. Бола 90 кун касалхонада ётди. Табиийки тергов органларига мурожаат қилдим. Бироқ ички ишлар ходимлари жиноятни юзаки текшириб ишни судга оширдилар. Суд эса уни яна қайтадан терговга жўнатди. Бу жараён икки йилдан бери такрорланиб келяпти. Кўп ташкилотларга мурожаат қилдим. Лекин арзимни ҳеч ким тингламаяпти.

**Ж. Қобилов**, Косон шаҳар, Қўйбоғ маҳалласи.».

Бундай мазмундаги хатлар кўп. Уларни ўқир экансан, кишида беихтиёр шундай савол туғилади: Нима учун жамиятимизда тартиб-интизомни назорат қилиб борувчи ва таъминловчи адлия органлари ишида тартибсизлик, меҳнаткашларнинг ҳақли талабларига эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш авжига чиқяпти? Нима учун кишилар бошқа ташкилотлар устидан адлия органларига эмас, балки адлия ходимлари устидан бошқа ташкилотларга шикоятлар билан бормоқдалар? Бунга жавоб битта, у ҳам бўлса, ички ишлар органлари, суд ва прокуратура ташкилотларида одамларнинг аризалари, хат ва шикоятлари билан ишлаш, уларни қабул қилишда қатъий тартиб ўрнатилмаган. Бу соҳада бошбошдоқлик авжида. Адлия органлари бошқалардан социалистик қонун, тартиб ва интизомга риоя қилишни талаб этганлари ҳолда ўзлари ана шу қонун ва интизомни четлаб ўтишга ҳаракат қилмоқдалар. Тўғрироғи, улар ҳалигача ўз ишларини қайта қуриб олишга киришганлари йўқ, ҳамон эскича яшаб, ўз умрини ўтаб бўлган эскича усул ва услубларни қўлланиб ишламоқдалар. Шу ўринда халқимизнинг «Бошқалардан интизомли бўлишни талаб қилишдан олдин, ўзинг интизомга риоя қил», деган маталини адлия органлари ходимларига эслатиб қўйиш жоиз.

**Табиийки, республика Президенти номига келаётган кундалик хатларни таҳлил этиб қилинган ушбу қайдларда барча хатлар мазмуни ҳам тўла қамраб олинганлиги йўқ. Буларни дарёдан томчи деб айтиш тўғрироқ бўлади. Аммо ушбу хатлардан хулоса шуки, ҳозир жамиятимизда том маънодаги туб бурилишлар юз бермоқда. Партия ошкораликни ривожлантириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни, айниқса, қуйидан бўлаётган танқиддек синалган ўткир қуролдан янада самаралироқ фойдаланиш йўлини изчиллик билан олиб бормоқда. Қуйидан бўладиган танқид бўғинларидан бири эса кундалик хатлардир. Меҳнаткашлар фаоллигини юксак баҳолаш, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг ҳар бир маслаҳати ва танқидий сўзига, талаб ва эҳтиёжига диққат билан муносабатда бўлиш республика меҳнат кишиларини демократияга ўргатиш, улардаги мамлакатнинг ҳақиқий хўжайини бўлиш руҳини тарбиялаш демакдир. Аммо халқимизда қарс икки қўлдан, деган гап бор. Айни пайтда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари, хатлари билан ишлаш ҳар бир совет ва партия ташкилотининг бурчи эканлиги сира ҳам ёддан кўтарилмаслиги даркор. Зеро, омманинг фикр-мулоҳазаси, таклифи жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омилидир.**

**Р. ТУРСУНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

**РЕДАКЦИЯДАН:**

**Республика Президенти номига ҳар куни икки юзга яқин хат келяпти, уларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Президентлик кенгаши энди шакллана-ётгани сабабли ҳар бир хатни тезлик билан чуқур ўрганиш ҳозирча қийин кечмоқда. Аммо бирорта хат ҳам, бирорта телеграмма ҳам Президент назоратидан четда қолмаяпти. Бу хатлар назоратга олиниб, тегишли идора ва ташкилотларга юборилаётир. Президент ана шу ташкилот ва идораларга меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқишни ва таъсирчан чоралар кўришни топширган.**

**Хатлар оқими кўпайиб боряпти. Уларнинг ҳар бири шахсий масалалар, республика тақдири, унинг иқтисодиёти, ижтимоий-экологик аҳволига ғамхўрлик туйғуси билан йўғрилган. Буларнинг ҳаммаси эса Президентлик лавозими республикамиз учун ҳам зарур ва ниҳоятда муҳим эканлигидан далолат беради.**

# КПСС Марказий Комитетида кенгаш

23-24 апрель кунлари КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, КПСС ўлка, область комитетлари, бир қанча шаҳар ва район комитетлари секретарларининг кенгаши бўлди. Унда ҳозирги шароитда партиянинг ғоявий-сиёсий ишлари, масалалари кўриб чиқилди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети мафкура бўлимининг мудири А. С. Капто очди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, КПСС Воронеж область комитетининг секретари В. И. Зарубин, КПСС Хабаровск ўлка комитетининг секретари Г. Н. Гончарова, КПСС Челябинск область комитетининг секретари Ю. М. Александрович, СССР алоқа министрининг ўринбосари Е. А. Манякин, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари Л. М. Кравчук, КПСС Москва шаҳар комитети мафкура бўлими мудири А. И. Смирнов, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг секретари В. А. Ефимов, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Р. П. Федоров, СССР давлат халқ таълими комитети бош бошқармасининг бошлиғи В. И. Купцов, Литва Компартияси (КПСС) Вильнюс шаҳар комитетининг секретари В. Н. Хадунькин, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси проректори И. И. Антонович, КПСС Марказий Комитети Ишлар мудири Н. Е. Кручина, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Г. Гургенидзе ва бошқалар қатнашдилар.

Кенгашда совет жамияти ўз тараққиётининг ғоят масъул даврига қадам қўйганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўнлаб йиллар давомида мисли кўрилмаган иқтисодий системани, давлат ҳокимиятини, миллатлараро муносабатлар соҳасини ислоҳ қилиш программалари амалга оширила бошланди. Ўзининг XXVIII съездига тайёргарлик кўраётган партия фаолиятида ҳам сифат жиҳатдан янги босқич бошланди. Ана шу босқичнинг ўзига хос асосий жиҳати шундаки, эндиликда КПСС Конституция қоидалари асосида бошқа сиёсий кучлар ва ижтимоий ҳаракатлар билан беллашув ва рақобат шароитида ҳаракат қилади. Бу эса КПССнинг мафкуравий фаолиятига концепция жиҳатидан мутлақо янгича ёндашувни тақозо этади.

Партия ҳозир қадриятларга, кўпгина сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларга қайта баҳо бериш, иш услублари ва усулларини қайтадан идроклашнинг қийин ва бир йўналишда бормайдиган жараёнларини бошидан кечирмоқда. Аслида социализмга доир нуқтаи назар ўзгармоқда. Кўп жиҳатдан масала шу тарзда қўйиляпти: демократик, инсонпарварлик принципларига асосланиб янгиланган социализм бўлиши керак ёки умуман социализм бўлмаслиги керак. Айни вақтда кенгашда ижтимоий лоқайдлик кўринишларига, партиянинг стратегик йўлини, марксизм-ленинизм таълимоти асосларини қай томондан бўлсада ноамалий танқид қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий бюро ва КПСС Марказий Комитети ғўё XXVII съездда қабул қилинган сиёсий йўлдан четлашди, партияни сиёсат четига чиқариб қўйилишига муроса қилмоқда, партиянинг ижтимоий тараққиёт концепцияси йўқ деган гапларни эшитиш мумкин. Бунда ўзгаришлар моҳиятини тушуниб етмаслик кўпроқми ёки консерватив ва сохта инқилобий кучлар қайта қуришни ёмон отлиқ қилиш учун пухта ўйлаган режаси кўпроқми — буни айтиш қийин. Жамиятнинг жўшқин сиёсийлашуви, ошкоралик ва демократиянинг кенгайтирилиши, амалга оширилаётган ислоҳотлар, хуллас, ҳаётнинг ўзи XXVII съезд йўл-йўриқларига муайян тузатишлар киритишга мажбур қилди. Партиянинг стратегик йўли янги воқелик ҳисобга олиниб XIX партия конференциясида, КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида чуқурлаштирилди ва бу йўлга аниқлик киритилди. Мафкурани янгилашда, практикани ижодий равишда бойитишда КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари ғоят муҳим ўрин тутади. КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюро илғор ўзгаришлар йўлидан орқага қайтишга ҳам, танлаб олган социалистик йўлимизни тафтиш қилишга ҳам йўл қўймаслик керак, деган қатъий позицияда турибди. Мафкура соҳасида ишловчи ходимлар бу масалаларда принципиал ҳужумкор мавқеда туришлари, сиёсий ренегатларга ҳамда сохта инқилобий тусдаги янги чиққан раҳбарларга, ақидапарастларга ва консерваторларга, ажрамачиларга қатъий зарба беришлари лозим.

Кенгаш қатнашчилари ҳозирги вақтда барча соғлом қайта қуриш ижтимоий кучларини партия ва давлат органлари ишлаб чиққан иқтисодий тангликни бартараф этиш, мамлакатни замонавий маданий социалистик жамият қуриш йўлига олиб чиқиш программаси базасида жипслаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимлигини таъкидладилар. Янги шароитда мафкуравий ишдаги ақидапарастликдан ва сийқа гаплардан қатъий ҳоли бўлиш, уни халқнинг туб эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олиб, чинакам илмий асосда ҳолис тахлил этиш негизига қуриш лозимлиги айтиб ўтилди. Шу муносабат билан жамоатчилик фикрини ўрганишни, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар билан олиб бориладиган ишни яхшилашга, мафкуравий муассасалар ва коммунистларнинг сиёсий маорифи тузилиши бўғинларини такомиллаштиришга доир бир қанча чора-тадбирлар тавсия этилди. Мафкуравий ишларнинг тиғи қайта қуриш жараёнларига янги омил бахш этишга, бу жараёнларни амалий изга кўчиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор этишга қаратилиши керак. Шунингдек иқтисодий тафаккурдаги эски сарқитлар кишанларини улоқтириб ташлаш, жамоатчилик фикрида аҳоли асосий табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш дастурини яратиш билан бир вақтда туб иқтисодий ўзгартишлар зарурлигини шакллантириш лозим бўлади.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида салбий тенденциялар кучайиб бораётган шароитда мафкуравий ходимлар олдида мураккаб вазифалар пайдо бўлади. Улар КПССнинг ҳозирги миллий сиёсатини тушунтириш ва амалга ошириш, халқларни ва миллий аҳиллиқни янгиланган федерация ва янги иттифоқ шартномаси негизида жипслаштириш учун кўп иш қилишлари мумкин.

Кенгашда КПСС аъзоларининг ғоявий ва ташкилий бирлиги масалаларига, бошқа сиёсий ва ижтимоий кучлар ҳамда ҳаракатлар билан ўзаро муносабатларга кўп эътибор берилди. КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига очиқ хатини тўғри тушуниш ва бу хат атрофида фаол иш олиб боришнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Бу хат мунозараларни тўхтатиб қўйиш, фикрлар курашини, партиядаги демократияни чеклаб қўйиш, КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида танқидий мулоҳаза билдираётган муқобил мулоҳазаларни айтаётган кишиларни четга суриб қўйиш учун сигнал, деб тушунилмаслиги, керак. Партиявий жавобгарлик чоралари партияга қарши қураш олиб бораётган бузғунчи гуруҳларнинг фаол раҳбарларигагина дахлли бўлиши мумкин.

Партиянинг сиёсий ҳокимиятга монополиядан воз кечиши шароитида олиб бориладиган мафкуравий ишларнинг янги модели, деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари, тарихий билимларга, замонавий назарий тафаккурга ва амалиётга, умумбашарий қадриятларнинг устунлигига таяниши керак. Қайта қуриш Ленин меросини чинакам ижодий идрок этиш муаммосини ғоят ўткир қилиб қўйди. Ленин таълимотига содиқ қолиш — унинг ижодий потенциалини ривожлантириш, янги хулосалар ва қоидалар билан бойитиш конкрет вазият тақозоси билан айтилган фикрларни қонунга айлантиришдан узил-кесил воз кечиш демакдир.

Келгусида матбуот тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, кўп партиявийликнинг қарор топиши КПССнинг матбуот билан ўзаро муносабатларида мутлақо янги вазиятни вужудга келтиради. Ўз матбуотига раҳбарликни яхшилаш масалалари, партиянинг давлат ахборот каналларига — телевидение ва радиога, жамоат ташкилотлари ва давлат идораларининг газеталарига таъсир ўтказилишининг ҳуқуқий жиҳатлари фавқулодда муҳим аҳамиятга эга бўлади. КПССнинг сиёсий таъсири, унинг жамоатчилик фикри учун ўткир курашдаги роли кўп жиҳатдан ана шу масалаларнинг қандай ҳал этилишига боғлиқ.

Кенгашда таъкидлаб ўтилдики, партияда ижтимоий фаоллик авж олганидан нолишга асос йўқ. Ҳозирги вақтда Ленининг «Оммани нинг жонли ижоди» ибораси аниқ-равшан мазмун билан тўлиб бормоқда. Мафкуравий ходимларнинг вазифаси — халқнинг фаоллигини демократик ва инсонпарвар социализм қуришга йўналтиришдан иборат. Бу эса янгиланган Коммунистик партиянинг яқин келажакдаги асосий мақсадидир.

Ҳозирги шароитда мафкуравий ишларнинг шакллари ва усулларини муҳокама қилиш КПСС Марказий Комитетининг бўлимлари ва бўлинмаларида давом эттирилди. Кенгаш қатнашчилари В. И. Ленин Мавзолейига гуллар қўйдилар.

В. А. Медведев кенгашга якун ясади. У кенгаш қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. А. Манаенков, КПСС Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири А. С. Павлов, КПСС Марказий Комитети ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ишлаш бўлимининг мудири В. А. Купцов, КПСС Марказий Комитетининг бошқа масъул ходимлари қатнашдилар.

(ТАСС).

# ЛИ ПЭННИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

Шу куни Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан Ли Пэн ўртасидаги музокаралар давом эттирилди. Томонлар иккала давлатдаги вазият, Совет Иттифоқи ва Хитойда турмушнинг турли соҳаларида юз бераётган ўзгаришларнинг йўналишлари ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар.

Музокара қатнашчилари ҳозир жаҳонда жиддий ўзгаришлар юз бераётган пайтда давлатларимиз ва ҳукуматларимиз раҳбарлари ўртасидаги ҳозирги замоннинг асосий муаммолари, социалистик қурилишнинг долзарб масалалари юзасидан қарашлар ва позицияларни қиёслашга имкон берадиган шахсий мулоқотлар ғоят муҳим деган фикрга келдилар.

Музокаралар хайрихоҳлик, ошкоралик ва ҳамжиҳатликка хос бўлган дўстона вазиятда ўтди.

Музокаралар тугаганидан кейин Совет—Хитой ҳужжатлари имзоланди.

* * *

Москвадаги Дўстлик уйида Ли Пэн Совет—Хитой дўстлиги жамияти вакиллари ҳамда ХХРда ишлаган совет мутахассислари билан учрашди.

* * *

ХХР Давлат Кенгашининг раиси В. И. Ленин Мавзолейига борди ва гулчамбар қўйди. Кремль девори ёнидаги Номаълум аскар қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС).

• *Яйлов баҳодирлари*

# ОТА ИЗИДАН

Баланд-баланд қир-адирларга майсалар кўм-кўк барқут бўлиб тўшалган. Яйловларда сурув-сурув қўй-қўзилар. Чўпонларнинг ташвиши ариб, нияти ушалган.

«Бойчечак» айтиб чопган болалари, омон-омонлик тилаган момолари, қут-барака сўраган боболари бор юртда наврўзни бошлаб келган баҳор, баҳорни бошлаб келган наврўз қўзиларининг бирида, Нурота тизма тоғлари бағрида, «Қорачатов» кенгликларида Пайариқ ноҳиясидаги «Партия XXV съезди» хўжалигида чўпонлар ўтовида бўлдик.

Лавҳани сал баҳшиёна тизмалар билан бошлаганимга ажабланманг. Зеро, бу яйловларга улуғ бобомиз, сўз устаси Эргаш Жуманбулбул ўғлининг қадамлари теккан. Бу юртнинг ҳатто чўпон-чўлиқлари қўлидаги таёғини «чертиб» бўлса ҳам терма куйлаб юборади. Сўзга сўзни қофия билан улайди.

Бундан икки йил муқаддам шу хўжаликнинг учинчи бўлимида Қаҳҳор Сияпаров деган машҳур чўпон билан мулоқотда бўлган эдим. Афсуски, у кишини бевақт ўлим орамиздан эртароқ олиб кетибди. Яхши, фидойи инсонларни хотирламоқ ҳам савобдир. У кишини яна бир карра тилга олдик, эсладик. Қувончлиси отанинг чўпон таёғини фарзандлари бегона қилмабди. Раҳмат уларга. Шу таёқда Қаҳҳор акасининг бармоқ излари қолган. Шу яйловларда у киши неча бор тунларни тонгга улаган. Қўйлар туёқ сонини ошириш, наслини яхшилаш учун курашган. Қаҳратон қиш қаҳри билан олишиб, жониворларга жон фидо қилиб қарашган. Мана шундай баҳор кунларида эгиз-эгиз туғилган қўзиларни кўриб қувонган. Қўйга-қўзи қўшилиб, қўраси тўлганда кўнгли ҳам тўлган. Баъзан яйловда чўзилиб ётиб, туёқлар шивирини тинглаган.

Қаҳҳор бобонинг ҳаёт йўли содда ва мазмунли. Қўй боқаман деб, чўпон таёғини ўн беш ёшлигида қўлига олган. Ютуқларга ҳам эришган, қийинчиликларни ҳам кўрган. Турли хил раҳбарлар билан тиллашган. Баъзан оч бўрилар билан олишган. У киши қўйларини икки оёқли «бўри»ларга ҳам олдирмаган. Нафс бўрисига ҳам қул бўлмаган. Саккиз фарзандини тарбиялаб уйли-жойли қилди. Қўлидан таёғини оладиган муносиб ворислар тарбиялади.

Донгдор чўпоннинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. У кишидан сурув-сурув қўйлар қолди. У киши, мисоли кўпкарида ғолиб от эди. Ортида фарзандлари учқур-учқур тойлар қолди...

Бу табаррук яйловлар, бош чўпон Ҳасан учун бешик бўлган. У шу тоғ бағридаги мўъжазгина чўпон уйида туғилди, вояга етди. Отасининг қабатига кириб қўй боқиб юрди. Бугунги кунда отамерос чўпон таёғини маҳкам тутиб, ишбошилик қилмоқда.

Айни кунларда отардаги қўй-қўзилар Қорачақия яйловларида яйратиб боқилмоқда экан. Ҳасан бизни кўриб қирдан тушиб келди. «Ҳорма, бор бўл»дан кейин, бугунги кундаги ишлар, келгуси режалар билан қизиқдик.

— Бу йил қишдан беталофат чиқдик, — дея гап бошлади бош чўпон. 568 бош совлиқ бор. Ҳаммаси ўртача семизликда, Ҳар юз бош қўйдан 106 тадан қўзи олишга эришдик. Шундан 554 тасини ўстиришга қолдирдик. Укам Мамаражаб яқин кўмакчим. Бошқа ака-укалар ҳам ўзини четга олиб тургани йўқ. Отамизнинг руҳи шод бўлсин деб ҳаракат қиляпмиз. Бу йил давлатга 1032 килограмм жун қирқиб топширмоқчимиз. Бу ҳар бош қўйга 1 кило-ю 612 граммданга тўғри келади.

18-март куни кутилмаганда ёмғир аралаш қор ёғди. Ўша кунлари бизни совуқ ҳаво анча довдиратиб қўйди. Янги қўзилаган қўйларни, қўзиларни тезда иссиқ хоналарга олдик. Кўз-қулоқ бўлиб турдик. Совхоз директори Саъдулла Тамиқаев қўшимча ишчи кучи билан ёрдамга етиб келди. Қийинчиликлар ортда қолди. Бироқ қўй-қўзилар боқимини бир нафас бўлсада сусайтирганимиз йўқ. Ем-емишдан тортмадик.

Ҳа, отар бошлиғини ёш чўпон дедик. Бироқ ёш бўлса ҳам, ишига пишиқ, тадбиркор. Бундайлар ҳамиша ўз манфаати учун эмас, халқ фаровонлиги учун куйиниб, курашиб яшайдилар.

**А. НУРБОЕВ,**
**Самарқанд вилояти.**

## ОИЛАВИЙ ПУДРАТ ШАРОФАТИ

**СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Ангор районидаги «Ангор» совхози сабзавоткорлари плёнка остида етиштирилган эртаки карамларни йиғиб-териб олишга киришдилар. Янги наҳсулотлар жойларнинг ўзидан Россия Федерациясига ҳаолисига жўнатилмоқда. Сибирь шаҳарлари, Узоқ Шарқ ва Сахалинга шу кунгача 900 тоннадан ортиқ карам жўнатилди. У жойларга нафақат совхоз майдонларида, ҳатто хўжаликлардаги оилаларнинг ер участкаларида етиштирилган маҳсулот ҳам жўнатилмоқда.**

**Хўжаликда сабзавотчилик бутунлай оилавий пудрат усулига ўтказилган. Бу эса яхши натижа бермоқда.**

**Суратларда: Оилавий звено аъзолари (чапдан ўнгга) Зуҳро Донаева, Саттор Юллиев, Қумуш Ўролов, Дилфуза Юллиева ва Равшан Юллиевлар йиғилган карамларни кўздан кечираётган пайт акс эттирилган.**

**И. ХУЖАЕВ сурати. (ЎзТАГ).**

• *Луқма*

# ЛОҚАЙДЛИК

Шу кунларда темир йўл хизмати станцияларида юмушлар ортиб боряпти. Баҳор келиши билан халқ хўжалиги юкларини ташиш қўпаймоқда. Темирйўлчиларнинг бу пайтдаги асосий вазифаси — келаётган юкларни ўз вақтида тушириб олиб, вагонларни тезроқ бўшатиб беришдан иборат.

Афсуски, Ўрта Осиё темир йўлининг баъзи станцияларида вагонлар бекор туриб қолмоқда. Чунончи, Чиноз темир йўл станциясида ачинарли ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Бу ердаги атроф корхона ва муассасаларга юкларни ташишда «Промстройматериал» идорасига қарашли темир йўл транспорти бирлашмаси хизмат кўрсатади. Мазкур корхона транспортчилари станцияга келган юкларни ўз тепловозлари билан тегишли участкага вақтида элтиб беришлари, юк туширилгач ёки ортилгач, яна станциянинг асосий йўлига чиқариб қўйишлари лозим.

Лекин кейинги пайтда уларнинг лоқайдликлари, интизомсизликлари туфайли анчагина юкли вагон бекор туриб қолмоқда. Тўғри, бир ҳисобдан бунга мижозлар ҳам айбдор. Чунки, улар ортиш-тушириш ишларини ўз вақтида бажаришмаяпти. Жумладан, қурилиш материллари ва конструкцияси заводи, Дон маҳсулотлари министрлигига қарашли омухта-ем заводи, «Балиқчи» комбинати ва бошқа баъзи корхоналар юкни ортиш-тушириш ишларини кечиктириб, жарима тўлашга мажбур бўлишяпти. Биргина «Балиқчи» комбинатининг ўзи ўтган ойда 1650 сўм жарима тўлади.

Очиғи, Чиноз темир йўл транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасидаги хўжасизликни кўриб ҳайрон бўлдик. Мазкур бирлашмага қарашли темир йўл шоҳобчалари бутунлай ночор аҳволда ётибди. Темир йўлнинг қўпгина жойларида икки из оралиғи кенглиги нормада кўрсатилган 1524—1545 миллиметр эмас, балки 1550—1555 миллиметр бўлиб кенгайиб қолган. Шунинг учун ҳам кўпгина ҳолларда йўл оралиғига вагон ғилдираклари тушиб кетяпти. Натижада уни чиқариб йўлга қўйишга ҳам анчагина вақт сарфланмоқда.

Ваҳолонки, бу бирлашмада пўлат изларни созловчи махсус бригада бор. Темир йўл рельсларини бир-бирига мустаҳкамлайдиган болтларнинг бўшаб ётиши, йўлдан-йўлга ўтиш қисмидаги стрелкаларнинг носозлиги, умуман олганда эса техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаётганлигини қандай тушуниш керак? Ахир, бу йўлларда Қўқон арава эмас, балки камида минглаб тонна юк ортилган вагонлар ўтади!

Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси мазкур бирлашма фаолиятини назоратга олиб, камчиликларни қисқа муддатда бартараф қилиши лозим.

**М. ҲАКИМОВ,**

• *Янгиликлар, хушхабарлар*

## Адиб ташаккури

**Яқинда Ўрта Осиё газ саноати илмий-текшириш ва лойиҳалаш институтининг Фарғона уйғунлашган ишлаб чиқариш бўлимига машҳур ёзувчи ва давлат арбоби Чингиз Айтматов ўз китобларини юборди. У лойиҳачиларга ёзувчининг она қишлоғи — Шакарни газлаштириш лойиҳа-смета ҳужжатларини жуда қисқа муддат ичида сифатли қилиб тайёрлаб беришгани учун ташаккур билдирди.**

Бу бўлимда ишларни янгича ташкил қилиш туфайли илгари тайёрлаш муддати бир неча йилларга чўзилиб кетадиган лойиҳалар қисқа вақт ичида буюртмачиларга топшириладиган бўлиб қолди. Агар беш йил муқаддам бўлимда йилига 400 минг сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 900 минг сўмга яқинлашиб қолди.

## Ойдин истиқбол

**«Фарғона» ташқи иқтисодий ҳамкорлик тармоқлараро регионал уюшмаси областдаги йигирмадан ортиқ саноат корхонасининг чет эл бозорига маҳсулот чиқаришида воситачилик қиляпти.**

Бу ташкилот корхоналарнинг пландан ортиқча ишлаб чиқарган маҳсулотларига чет элдан харидор топиш билан шуғулланади. Ҳозир уюшма Япония, Франция, Италия, Польша каби мамлакатларнинг етакчи саноат фирмалари билан алоқа ўрнатган. Яқинда «Фарғона» уюшмаси вакили Югославиянинг «Энергоинвест» бирлашмаси раҳбарияти билан Фарғона шаҳрида 300 ўринли болалар диагностика маркази қуриш, шампун ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ғишт заводи сотиб олишга оид музокараларда иштирок этди.

## Синов натижаси

**Яқинда Қўқон шаҳрида Фарғона водийсидаги ёғ-мой саноати корхоналари маҳсулотларининг кўрик-синови ўтказилди. Жумҳуриятнинг обрўли мутахассисларидан иборат ҳакамлар кенгаши Қўқон, Фарғона, Андижон, Наманган, Учқўрғон, ёғ-мой корхоналарида тайёрланган пахта мойи, атир ва кир совунлар, бошқа маҳсулотлар сифатига тегишли баҳо берди.**

Қўқон ёғ-мой комбинатида ўрик ва шафтоли данагидан олинган мойлар олий категорияга тўла мос, деб топилди. Фарғона ёғ-мой комбинатининг «Покиза» атир совуни кўриниши, ёқимли ҳидига кўра чет эл атир совунларидан қолишмайди. Шу маҳсулотларнинг аксариятига талаб катта бўлишига қарамай, четга ташиб кетилаётганлиги кўрик-синовда афсус билан қайд этилди.

**А. ИБОДИНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

• *Тарихий обидалар—бойлигимиз*

# ЭРТАГА НИМА БЎЛАДИ?

Яқинда нохуш бир воқеа содир бўлди .Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозида яшовчи Рўзи Чориев ҳе йўқ, бе йўқ, Мунчоқтепанинг бир парча жойини ўзлаштириб, ўзиники қилиб олди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари «масала ҳал бўлгандан кейин» хабар топиб, ундан «Нега бундай қилдинг?» деб сўрадилар. Қилган ишидан изза бўлиш ўрнига у сира тап тортмасдан «Мен бу ерга экин экмоқчиман, бекоргаям анча ер бўш ётипти-қу» деди. Бироқ, ўша «бўш ётган ер»да бир замонлар худди шу Рўзи «деҳқон»нинг бобою бобокалонлари яшаганлигини у билармикан? Бу тепалик эллигинчи йилларда машҳур археолог-олим Л. И. Альбаум томонидан қисман ўрганилган. Ўшанда салжуқийлар ҳукмронлиги давридан қолган тангалар хазинаси топилганди. Бу тангалар Маликшоҳ ҳамда Султон Санжар амри билан зарб қилинган. Тепалик ўн йил ўрганилди. Аммо бу иш ҳали поёнига етганича йўқ. Мунчоқтепа ўз бағрида бундан 900—1000 йил аввалги, балки ундан ҳам узоқроқ даврдаги сирни пинҳон сақлаб турганлигига шубҳа йўқ.

Кўҳна Сурхон воҳасида эса ўрганилаётган, тадқиқот ишларини кутиб турган, ҳозирча рўйхатгина олиб қўйилган бундай жойлар 333 та. Бу шимолдан жанубга қараб 200 километр масофага чўзилган воҳанинг ҳар километрига бир-иккитадан тарихий ёдгорлик тўғри келади, — деган гап.

Бойсундаги Тешиктош ғоридан топилган эрамиздан бурунги 100—40 минг йилликлар даврига оид неандерталь одам суяги, Заровутсой ғори деворларига чизилган икки юздан ортиқ суратлар, Далварзинтепадаги олтин қўйиш дўкони ва олтин хазина жаҳон илмий муҳитини ҳайратга солганди. Археологлар эрамизгача бўлган VI—V асрларга тааллуқли энг қадимги жезтичоқни ҳам Сурхон воҳасидаги Ғози Муллатепадан топганлар. Зардўштийларнинг илоҳий китоби «Авесто»да бу воҳа тилга олинади. Искандар Зулқарнайн солномачилари унга мафтун бўлганлар. Воҳанинг гуллаган маконлари кўп марта душман талафотига учради, аланга ичида қолди, йигитлар қул бозорларида сотилди, гўзал қизларини чўриликка олиб кетдилар. VIII аср бошларида Қутайба ибн Муслим, кейинроқ Ҳуросон ҳукмдори Саид ибн Ўсмон аскарлари Термиз ва унинг атрофларида сира кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ёвузликлар қилдилар, элу халқни таладилар. Ўшанда ҳозирги Пайғамбаророл қўриқхонаси — Бухоро оҳусидан тортиб, қапча илонгача бўлган юзлаб турдаги ҳайвонлар, паррандаю даррандалар муҳофазага олинган жой — узоқ йиллар Усмон ороли деб аталганди. Термизга Чингизхон аскарлари бостириб киргач, мўғуллар шаҳар кулини кўкка совурдилар, осмонўпар мораларни қулатиб, ариқ ва йўлларни буздилар. Воҳа ана шундай ҳам қувончли, ҳам аянчли тарихга эга. Биз буни боболаримиз қолдирган ёдгорликлар орқалигина билишимиз мумкин. Аммо ўтмишдан гувоҳлик бериб турган ноёб ёдгорликлар тобора камайиб бормоқда, мораларга қор-ёмғир, «афғон шамоли» таъсирида емирилиб, нураб тушаётир.

Пахта экиладиган бир парча ерга бирон киши ўз ихтиёри билан экин-тикин қилмоқчи ёки уй қуриб олмоқчи бўлса унинг устидан дарров ҳужжат тўплаб, тергов ишлари бошлаб юборилади. Даладаги бирон бостирма қулаб тушса, хўжалик раҳбарига ўша заҳотиёқ шошилинч хабар етади. Минг-минг йиллар гувоҳи қўрғонлар, минора, мақбаралар ағдарилса, уларни сув босса, ғиштлари кўчса, эшиклари қўпорилса, бу ҳеч кимни ташвишлантирмайди, ҳеч ким жавобгар ҳам бўлмайди.

Эски Термиз Кушон-Бақтрия давридан қолган шаҳар. У бир вақтлар каттагина майдонни эгаллади. Харобага айланган, ташландиқ қўрғонлари кўп эди. Кимгадир 5—6 гектар ер керак бўлиб қолди. Бульдозерлар ишга тушиб, область ўлкани ўрганиш музейи (у пайтлар тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти йўқ эди) ходимлари Тошкентдаги мутасадди ташкилотларга хабар етказгунларига қадар анча жой текисланди. **Ахир**, бу жойлар ЮНЕСКО ҳисобида эди-ку. Кейинроқ айни шу ердан Катта Ўзбек тракти ҳам ўтди. Қолган бирникки хароба ёдгорлик ҳам бузиб юборилди. Бу ерга аввалига пахта экдилар. Ҳосили дурст бўлмади. Сўнгра қовун-тарвуз экишли. Бундан ҳам ёлчитиб ҳосил олинмади. Охири «Намуна» колхози боғ ташкил қилди. Бу боғ ҳам ҳозирча жуда гуллаб-яшнаб кетганича йўқ.

Пахтани ҳам, узуму олмани ҳам Эски Термиз атрофида ястаниб ётган Каттақўмнинг истаган жойида етиштирса бўларди. Бироқ у ерларни обод қилиш учун бир оз меҳнат қилиш, ариқ қазиб сув чиқариш лозим. Шу меҳнатдан қочиб, боболар маконига, «ҳужум» қилинганди. Бу ўтган йили яна такрорланди. Юк автостанцияси корхонаси (директори Р. Хамидуллин) Эски Термиздаги ЮНЕСКО назоратида бўлган ёдгорликни бузиб, ўша жойни ўзига қум ташийдиган карьер қилиб олди. Қизиғи шундаки, бунинг учун район ижроия комитети рухсат ҳам берди. Область ижроия комитети эса маҳаллий ҳукуматнинг бу фармойишини тасдиқлади.

Сариосиё районидаги «Боботоғ» совхозида ўтмиш обиданларини йўқотишга «енг шимариб» киришганлар. Бу ерда Аймоқтепа, Қўрғон. бир неча номсиз ёдгорликларга жиддий зарар етказилгани етмагандек, Кофирниҳон водийсининг қадимги маркази Бобуртепа (эрамиздан аввалги биринчи минг йилликдан токи эрамизнинг XV—XVI асрларигача мавжуд бўлган) нинг олти гектар майдони шудгор қилиниб, пахта экилди. Айни пайтда бу тепаликнинг бор-йўғи икки гектари қолган. Шу кафтдеккина жойга ҳам кимнингдир фатвоси билан ҳамла қилинса, Бобуртепа ер юзидан бутунлай йўқолади. Бу тепалик эса буюк саркарда, тарихчи ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Бобур 1504 йилда Ҳисор тоғлари орқали энг қийин ва номаълум йўллар билан Афғонистонга қўшин тортиб борган. Ўшанда Бобуртепада саркарда аскарлари анча муддат қўним топишган. Бу ҳақда ҳикоят ва ривоятлар ҳам сақланиб қолган.

Ёки бир неча ўн гектар майдонни эгаллаб турган Зартепани олинг. Қадимда бу ерда катта-катта жанглар бўлган. Бир вақтлар сопол идиш синиқлари шу қадар кўп эдики, ҳатто бир қарич очиқ жойни топиш қийин эди. Айтишларича тепаликни қуллар елкаларида тупроқ ташиб кўтарганлар. Шунинг учун унинг теварак-атрофи худди сой сингари чуқур. Бундан ўн йиллар олдин Зартепа айланаси лиммо-лим сувга тўлгазилди. Унинг атрофидаги ўзлаштирилган майдонларга пахта экилди ва у шу «сунъий сув омбори» орқали суғорилди. Кейинроқ ариқ очилди, «сув омбори»га эҳтиёж қолмади. Бу жойга ортиқча оқава сув ташланадиган бўлди. Унинг суви қуриган сайин Зартепа ҳам ер комига кириб кета бошлади. Бузилган ҳар квадрат-метр ёдгорлик учун 2 сўм 56 тийин товон тўлаш талаб қилинаётир, холос. Тўғри, тарихий ва маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш назоратчилари район ва шаҳар ижроия комитетларига, прокуратура органларига мурожаат қилмоқдалар. Айрим корхоналар, ташкилот ва хўжаликлар 25—70 минг сўмгача жарима ҳам тўлаётирлар. Бироқ бунинг таъсири кам, чунки товонни ҳеч ким чўнтагидан эмас, коллектив ҳамёнидан тўламоқда.

— Биз, — дейди кекса муаллим Азизқул Чориев, — авлод-аждодларимиз тарихини деярли билмаймиз. Қадимда, ота-боболаримиз ҳар киши ўзидан олдин ўтган етти авлодни билиши шарт деб билишган. Биз-чи? Ёшларни-ку қўя турайлик, 40—50 ёшлилардан «Неча авлодингизни биласиз?» деб сўрасангиз, нари борса, бобосининг отаси кимлигини зўрга айтиб бера олади. Боболарга ҳурмат шундай бўлгач, улардан қолган ёдгорликларни қадрлаш қай даражада бўлиши мумкин?

— Бу ишни, менимча, мактабдан бошлаш керак эди, — дейди область тарихий ва маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти раиси муовини К. Оллонов, — ўқувчилар, ўз шаҳар ва районлари, қишлоқларидаги тарихий жойлар ҳақида маълумотга эга бўлишлари зарур. Бироқ мактабларда бунга бирон соат ҳам ажратилмаган.

Бу гапларда асос борга ўхшайди.

Биз Термиз районидаги «Намуна» колхозида жойлашган Қирқизга бораётган бир гуруҳ ўқувчилардан:

— Бу қўрғоннинг номи нима? — деб сўрадик.

Улар бир-бириларига қараб, ўйланиб туришди ва ораларидаги абжирроғи:

— Буми? Бу илонхона, — деди.

— Нега ундай дейсан?

— Чунки илони кўп-да. Шунийчун...

Ўрта асрнинг бетакрор меъморчилик санъатини кўз-кўз қилиб турган қўрғон илонхона эмиш... Аждодлар ўтмишига бундай муносабат давом этаверса, эртага нима бўлади? Биз бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий бойликлардан ажралиб қолмаймизми? Бугунги маданиятимиз пойдевори емирилиб, йўқ бўлмайдими?

**Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ҚАДРИЯТГА ЭҲТИРОМ

## Рамазон ҳайити ва унинг илмий талқини

Босиб ўтилган тарихий йўлимизга бир назар ташласак, умуминсониятга хос бўлган илмий-техник ва маданий ривожни инкор этмаган ҳолда, халқимизнинг қатор қадриятларидан ажралиб колганимиздан, ноёб миллий удум ва анъаналаримизни унутаёзганимиздан, бунинг устига ўтмишни билиб-билмай қоралашдек номаъқул одатга ҳам ўрганиб қолганимиздан кўз юмиб бўлмайди.

Илгариги ёзувимизни унутиб, илмий ва маданий меросимизни ўқиёлмай қолганимизни тараққиёт дедик. Одамгарчиликка, инсоф ва виждонийликка, каттага ҳурмат ва кичикка шафқатга ёшликдан ўргатадиган урф-одатларимизга кам эътибор бериб, тарихимизни бузиб кўрсатдик. Аждодларимиздан қолган меросга менсимай қарадик. Ўтмишда хору-зор эдик, дарё бўйида сувга зор эдик, деб қўшиқ айтдик.

Энди бироз ўйлаб қарасак, миллатнинг ўз қиёфасини тарк этиши мумкин эмас экан. Бу тарихий тараққиётга зид эканлигини англай бошладик.

Бугунги ийд аёми ҳақида бир-икки оғиз сўз. Биринчиси тараққиёт мантиқан ранг-барангликкa, турли-туманликка чорлагани ҳолда уни бир хилликка, бир шакл ва бир кўринишга қараб тортишга уриниш тараққиёт диалектикасига зиддир. Демак, кўмакдошлик, сафга тортиш зарур. Эрк ва ихтиёр абадий эканлиги ҳақиқатдир. Ҳар бир миллат, тил, маданият, урф-одат, анъана ўзига хос ноёб ва нодир қадриятдир.

Иккинчидан, юқорида айтилган номаъқул ва номақбул хатти-ҳаракатларнинг, фикр ва хулосаларининг барчасини бизга зўрлаб тиқиштиргани йўқ-ку! Анча-мунча зуғум бор эди. Буни инкор этиш мумкин эмас. Лекин бир хил муҳит ва шароитда ўз ёзувини ўзгартирмаган, тарихини қораламаган, урф-одатларини тарк этмаган халқлар ҳам бўлди-ку. Демак, кўп нарса ўзимиздан ҳам ўтди. Орамиздан чиққан «илғор фикрли»лар, «ўта инқилобчи»лар ва «байроқдор»лар бизни чалғитишди.

Ҳеч ким бизга Наврўзни таъқиқланглар, сумалак қозонларини ағдаринглар, ўқитувчисини «домла» деб аталган толибга танбеҳ беринглар, ота-онангиз вафот этганда дўппи ва чопон кийманглар, Рамазон ва қурбон ҳайитларида одамлар тўпланишмасин, деб йўлларга поспон қўйинглар, деганг йўқ. Бундай «тадбирлар»ни ўзимизнинг баъзи раҳбарларимиз ўйлаб топди.

Қайта қуриш ва демократия шарофати билан ана шундай биқиқ муҳитдан дадил чиқмоқдамиз, ҳаётимизнинг ҳамма томонларини қайта тафаккур қилмоқдамиз. Шу боис ғоят муҳим ва мураккаб даврни бошдан кечирмоқдамиз.

Рамазон ҳайити («ҳайит» арабча «ийд» сўзининг ўзбекчалаштириб талаффуз қилиниши, қадимий туркийда байрам) арабларнинг қамария йили ҳисобида тўққизинчи ой ҳисобланган рамазон ойида рўза тутиш тамом бўлгандан кейин ўнинчи шаввал ойининг дастлабки уч куни ичида ўтадиган байрамдир. Бунинг таърифига назар ташласак, рўза тутиш ва рўза ҳайити ислом динининг пайдо бўлиши билан боғлиқ барча мусулмон халқлар одатига кирган. Қуръоннинг иккинчи — Бақра сураси 183-оятида биринчи бор рўза тутиш амр қилинган. Тарихан бу воқеа 624 йил февралига тўғри келади. Ўшанда биринчи бор мусулмонлар қавми Муҳаммад пайғамбар бошчилигида барчаси рўза тутган, Рўза тугагач, арабча «ийд ал-Фитр» — «оғиз очиш байрами» номи билан биринчи ҳайит ўтказилган. Ана шундан бошлаб бу кунни байрам қилиш барча мусулмон халқлари орасида анъанага айланган.

Бу ўринда баъзи бир нарсаларни изоҳлаш жоиз. Рамазон ойида рўза билан боғлиқ бўлган «фитр-садақа» ва «ифтор» деган одатлар ҳам бор. 184-оятда кимки касал ёки сафарда бўлиб, рўза тутолмаса бошқа вақт ўшанча кун рўза тутиши лозим, кимнинг имконияти бўлса бир камбағалнинг қорнини тўйғазиши керак, деб белгиланган.

Мен бу ўринда қуръондаги «бир камбағални тўйдириш» жумласига эътиборни жалб қилмоқчиман. Илк исломда рўзани тамомлаб, оғиз очиш вақти келганда бир одам тўйиб овқат еган ҳолда камбағалнинг оч туриши одобдан эмас, деб тасаввур қилинган. Шунинг учун ё уни ўз дастурхонига чақириб қорнини тўйғазиш (ифтор қилиш), ёки унга бир тўйимлик овқат бериш (фитр-садақа) лозим ҳисобланган. Шу сабабли қадим халқлардан фитр-садақага ҳар бир жон ҳисобидан эски ҳисобда чорак (бир ярим килограммга яқин) ун бева-бечора ва етимесирларга берилган. Илк исломга хос ана шу камбағалпарварлик ҳақида фикр юритган одам ҳозирги даврдаги ифторлик дастурхонига қўйиладиган неъматларни таққослаб кўриши мумкин.

Тарихий далиллардан равшанки, Рамазон ҳайити фақат ислом дини билан боғлиқ, вужудга келган, исломга хос диний байрам сифатида анъанага айланган. Ундаги ислом ақоидида белгиланган ягона маросим ҳайит куни тонгда ўқиладиган «ҳайит намози». Ақоидда белгиланмаган бўлса-да, мусулмонлар одатига кирган вафот этганларга фотиҳа, қабрларни зиёрат қилиш кабилардир. Ана шу «соф диний» ҳисобланиб келинган урф-одатлар ҳам моҳият эътибори билан одамийлик, яхши ниятлилик ва ўтганларнинг хотирасига эҳтиром мазмунига эгадир. Бу одатлар инсонни маънавий ва ахлоқий покликка, ҳалолликкa чорлайди. Биз энди ана шу қадриятларга муҳтожмиз. Улардан йироқлашиш туфайли ҳаётимизда инсофсизлик ва виждонсизлик, порахўрлик ва ўғирлик, зўравонлик ва фаҳшликнинг оқибатларига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ҳар қандай соф диний анъана асрлар оша халқларнинг кундалик ҳаётига сингиб боради. У илгаридан мавжуд бўлган халқ анъаналари моҳият эътибори билан умумбашарий мазмундаги анъаналар билан бойиб бориши, шу туфайли умумхалқ анъанасига айланиши қонуний жараёндир. Барча динлар ҳам халқлар тарихида маълум босқичда ижтимоий ҳаётни бошқариш, жамиятда адолат ва яхшилик ғояларига асосланган тартиб ўрнатишга қаратилган ғоявий таълимот сифатида вужудга келган. Шу сабабли халқлар ўзининг яхши ҳаёт умидларини дин билан боғлаб тушунганлар. Шунингдек дин халқлар ахлоқий ва ҳуқуқий, маданий ва маънавий ҳаётининг таркибий қисми бўлиб қолганлиги ҳам табиийдир.

Рамазон ҳайити билан ҳам тарихан шундай ҳол юз берди. Халқнинг барча эзгу ва инсоний урф-одатлари, ҳаётий тажрибалари ва анъаналари унга аралашиб кетди. Натижада бу ҳайит ҳам диний, ҳам миллий (халқий) байрамга айланган. Шу боисдан бу ҳайитнинг бошқа байрамлар қатори нишонланиши тарихий ҳақиқатдир.

Ҳайит арафасида ҳамма хонадонда ош дамланиб, қўни-қўшниларга, қариндошуруғларга ош улашиш, ёшланг барчанинг янги либос кийиши, болаларга «ҳайитлик» бериш, бозорларнинг гавжум бўлиши, келган-кетганда деб чиройли дастурхон тузаш кабилар халқ турмушига хос қадимий одатларки, уларнинг тарихий илдизларини аниқлаш учун асрлар қаърига мурожаат қилмоқ керак.

Ҳайитга халқимизнинг юксак одамийлик ва инсонпарварлик, ахлоқий ва маънавий покликка интилиш билан боғлиқ анъаналари ҳам қўшилган. Шу боисдан ҳайит кунлари одамлар орасидаги гина ва ҳафаликлар унутилади. Урушганлар яраш-ишади, Бир-биридан аразлаганлар кўришишади. Бу улуғ айёмда касал ётганларни бориб кўрилади. Табаррук кексалар зиёрат қилиниб ҳол сўралади. Қон-қариндошлар бир-биридан хабар олади.

Бу удумларимизнинг қанчалик зарур эканини, халқимиз учун ноёб қадрият эканлигини рўй-рост тан олмоғимиз керак. Чунки, ҳар ким ўз иши-ю вазифаси билан бўлиб, ўз ғами ва ташвишидан ортмасдан, қариндошлар ва дўстлар орасида ҳам меҳр кўтарила борди. Халқимиз қадимдан одат бўлган бировдан хабар олиш, кимнидир бориб кўриш одатларини унута бошлади. Оқибатда шундай ҳолгача бориб етдикки, бирор ҳавлида бошланган жанжал, бир-бирини ўлдириш ёки ёш қиз-жувоннинг ўзига ўт қўйишигача бориб етгунча қўшнилар бехабар қолдилар. Бу фожиаларнинг олдини олиш лозим бўлган қариндошлар оддий ҳаракатлар мусибатга айланганидан сўнггина етиб келмоқдалар.

Унутилган энг эзгу урф-одатларимизни, тарихий ва маънавий қадриятларимизни қайтадан тиклашимиз вақти келди. Бусиз халқимиз маънавий равнақка эришолмайди. Шу боисдан бугун тарихий қадриятларимизнинг тиклана бошлаганидан бир нишони сифатида ийд айёмининг нишонланишини муҳим воқеа деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан заҳматкаш халқимизни муборакбод этаман. Қадриятларимиз ва маънавий меросимиз қайта тикланаётгани рост эканлигига умид қиламан.

**М. УСМОНОВ,**
**фалсафа фанлари доктори.**

# СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

**РУС КОМПОЗИТОРИ П. И. ЧАЙКОВСКИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУОМАЛАГА ЭСДАЛИК ТАНГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА**

Рус композитори П. И. Чайковский туғилган куннинг 150 йиллиги муносабати билан 1990 йил 25 апрелда муомалага қиймати бир сўмлик эсдалик танга чиқарилади.

Қиймати бир сўмлик эсдалик танга оқ тусдаги мис-никель эритмасидан тайёрланади ва диаметри 31 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Танганинг олди ва орқа томонида доира бўйлаб қабариқ ҳошия бор.

Танганинг олд томонида СССР Давлат герби жойлаштирилган бўлиб, «СССР», «1 рубль» ва «1990» ёзувлари бор.

Танганинг орқа томонида П. И. Чайковскийнинг Москва давлат консерваторияси олдидаги ҳайкалининг кўриниши нота матни фонида ўйиб тасвирланган бўлиб, доира бўйлаб чап томонида «1840. 1893» саналари ҳамда композиторнинг имзоси, юқори қисмида эса «П. Чайковский» ёзуви бор.

Танганинг ён теграсига «Один рубль» ёзуви икки марта ўйиб ёзилган ва бир-биридан нуқта билан ажратилган.

П. И. Чайковский туғилган куннинг 150 йиллиги муносабати билан эсдалик танга муомалага 3 миллион дона, шу жумладан сифати яхшиланган 0,4 миллион дона тираж билан чиқарилади.

● *Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан*

# МАДАТОВ МАРДЛИГИ

Хатни ўқиб чиқар экан, Абилқосим ака кўзларидан ёш думалаётганлигини ўзи ҳам билмай қолди. Бу севинч ва қувонч ёшлари эди. Буюк Ғалабанинг ўттиз йиллиги арафасида келган мактубни нақ шоир Михаил Матусовскийнинг ўзи ёзганди. Фронтдошлар бир-бирларини ўттиз йил кўришмаган эди. Абилқосим ака хатни қайтадан ўқий бошлади: «Ҳурматли Абилқосим! Мен фронтдош дўстим А. Ажимамудовдан Сизнинг соғ-саломат эканлигингизни билганимдаги қувончимни кўз олдингизга келтира олмайсиз. Фронтнинг олд қисмига борганимизда капитан Ажимамудовнинг менга: бугун биргаликда ёш зирҳтешар. Мадатовни комсомолга қабул қиладиган йиғилишда қатнашамиз, дегани эсимда... Сизни комсомолга қабул қилиш узоқ давом этмади. Сизга саволлар ҳам кам бўлди. Яқиндаги жанг ҳамда зирҳидаги қора крести ёнишдан қорайиб кетган икки танк комсомолга энг яхши тавсиянома эди. Ана ўшанда редакцияга қайта туриб, йўлда Сизга бағишланган шеърий мисраларни ёзгандим. Уларнинг бирмунча хомлигини тушунаман. Сизнинг жанговар ҳаётингиз янада мукаммалроқ ҳамда кучли шеърларга лойиқдир. Аммо шеърларнинг йўлда, юк машинаси кабинасида, яқиндагина бўлиб ўтган жанглар таассуротида ёзилганлиги ва «Фронт ҳақиқати»нинг 12 август сонида босилиб чиқишига улгуришим зарурати мени оқлайди, деб ўйлашга имкон беради...

Фронт саломи билан
**Михаил МАТУСОВСКИЙ...**

Орадан кўп ўтмай фронтдошлар Михаил Матусовскийнинг Москвадаги уйида учрашадилар. Тонг чоғидаги бу ажойиб учрашувда ҳарбий журналист Савелий Савельев ҳам қатнашади. Шунда фронтдошлар ўзларининг дўстлари, одессалик ҳарбий журналист—уруш пайтида «Фронт ҳақиқати»нинг масъул котиби Артём Ажимамудовдан беҳад ҳурсанд бўладилар, унга ўзларининг миннатдорчиликларини ёзиб юборадилар.

Урушдан кейин кунларнинг бирида Артем Ажимамудов «Фронт ҳақиқати»нинг ўз архивидаги сонларини титкилаб ўтириб, газетанинг 1944 йил 12 август сонида босилиб чиққан ўзбекистонлик Абилқосим Мадатов ҳақидаги очеркка кўзи тушиб қолади. Шундан бошлаб у очерк қаҳрамонини излашга тушади. Кўп қидирувлар орқасида у қуролдошлари, шу жумладан мерган Мадатовни ҳам топади. Бунинг натижасида 2-Белоруссия фронтининг кўпгина жангчилари бир-бирлари билан дийдор кўришадилар. Артем Ажимамудов ўзининг ўзбекистонлик фронтдош қаҳрамони ҳақида «Комсомолец Узбекистана» газетасида очерк ёритади. Шу боис кўкси ҳарбий мукофотлар билан безалган Абилқосим Мадатов ўзининг бошқа ердаги фронтдош дўстларини ҳам топади.

Биз Абилқосим акани Бахмал районининг Кўкилбой қишлоғидаги пионер лагеридан топдик. Бу ерда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси билан учрашув бўлаётган эди. Уруш йилларининг қийинчиликлари, шиддатли жанглар, дўстлари кўрсатган қаҳрамонлик, сабот ва матонат ҳақида у мароқ билан ҳикоя қилди. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси тошкентлик майор Маҳмуджон Расулов, Тошкент политехника институти доценти Каримулла Ағзамов, сирдарёлик иқтисодчи Олимжон Эржигитов ва бошқалар Абилқосим ака билан бутун бир умрга дўстлашиб қолганлари ҳақида сўзлашди. Йиғилганлар Абилқосим акадан фронт ҳаёти лавҳаларидан эпизодлар айтиб беришни илтимос қилишди:

...1943 йилнинг охирларида Абилқосим ака икки қуролдош дўсти билан тунги разведкага юборилади. Иложи борича тирик «тили»ни қўлга олиш вазифаси топширилади. Душман батареяси жангчиларимизнинг олға силжишига халақит берарди. Шу яқинда жойлашган немисларнинг пулемётчиси кўпгина жангчиларимизни яradор қилишга улгурган эди. Разведкачилар ана шу пулемётчига яқинлашиб қолганларида бирдан ўт очилади. Шунда учала разведкачимиз ерга йиқилади. Абилқосим ака елкаси увишиб оғриётганлигини сезди, аммо индамай ётаверди. У дўстларим ҳам мен каби жим ётишган бўлса керак, деб ўйларди. Аммо вақт алламаҳал бўлганда ҳам улардан овоз чиқмади, қимир этишмади. Абилқосим ака қийналсада, чалқанча ётганича дўстлари томон яқинлашди. На кўз билан кўрсинки, шериклари ҳалок бўлган эдилар. Минг хаёлларга боришдан фойда йўқлигини сезган Абилқосим ака қуролдош дўстлари учун душмандан ўч олишга киришади. У чалқанча ҳолатда душман пулемёти томон аста-секин сурилиб борарди. Унинг хаёлида маълумот кутаётган командирлари, икки дўстининг ёрқин сиймоси гавдаланиб турарди. Нима бўлса бўлди, мен энди қай юз билан орқага қайтиб бораман деган хаёлда у пулемётга яқинлашди. Қараса душман бошини шу ердаги тўнкага қўйиб ёнбошлаб ётибди. У астагина милтиғини олади, пойлаб туриб унинг бошига қўндоқ билан туширади. Газанда ҳушидан кетади, унинг ҳужжатларини чўнтакка уради, икки қўлини чандирлаб боғлайди, оғзига дастрўмолчани тиқиб бир амаллаб елкасига ўнгариб олади. Маст ҳолдаги чала ўлик «тил»ни терлаб-пишиб эрта тонгга яқин қўмондонликка етказиб келади. Разведкачиларни ҳалок бўлди деб ўйлаган командирлар Абилқосим акани кўриб бениҳоя қувонишади. Шунда у жанговар орденга тақдим этилади. Командирлар шундан кейин «Ўлим Абилқосимдан қўрқади» дейишадиган бўлди.

Абилқосим Мадатов кўрсатган қаҳрамонликлардан бири Михаил Матусовский ёзган балладада мадҳ этилади. 1944 йил август ойининг бошларида Белоруссиянинг Витебск районидаги бир тепаликда олиб борилган жанг шиддатли ўтади. Душман тинчимайди, яна ҳужум бошлайди. Ўз бўлинмасидан икки юз метр нарида маҳкам жойлашиб олган Мадатов ўз қуролини узоқдан кела бошлаган тўртта танкка қаратди. Катта ваҳима билан келаётган танкларнинг биринчиси таққа тўхтайди-ю, ёниб кетади. Шу орада иккинчи машина ҳам унга яқин келиб қолади. Мерган уни ҳам ёндириб юборади. Тутаб ётган танкдан қочиб чиқаётган уч фашистни бирма-бир қулатади. Буларнинг бири офицер эди. Танклар шу заҳоти орқага бурилиб кетади. Жангчиларимиз олға қараб ҳаракатга тушадилар. Абилқосим Мадатов жасорати бутун фронт бўйлаб ёйилади. Ўзбек тилида чиқадиган фронт газетасининг мухбири Адҳам Ҳамдамнинг «Жангчи Абилқосим» шеърида қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

**Мадатов очган ўтдан**
**Фашист танки соврилди,**
**Аламга тўлган фриц**
**Ўт ичида қоврилди.**

Абилқосим ака яradор бўлган пайтларида госпиталларда ётди, тузалар-тузалмас ўз бўлинмаларини қувиб етди, жанговар дўстлари билан душманга қирон келтириб, Германия чегараларигача етиб борди. Венгрия учун бўлган жангларда иштирок этди. Оғир яраланиб, Дунай дарёсига чўкаёзди, аммо ўзига ишонч, Ватан ишқи, ҳаётга бўлган муҳаббат уни ўлимдан қутқарди. Ғалаба онларини Берлин атрофларида кутиб олди.

Оддий чорвадор фарзанди урушдан кейин Мирзачўлда деҳқончилик қилди, пахта, дон, мева-чева етиштирди. Абилқосим ака ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрди, саккиз фарзанднинг отаси бўлди. Ўқитувчи бўлиб, кўп ёшларни тарбиялади, коммунист сифатида кўпгина жамоат ишларини ҳалол ва виждонан бажарди. Халқ меҳрини қозонди, катта ҳурматга сазовор бўлди. Эндиликда у меҳнат гаштини сурмоқда. Кўкси жанговар орден ва медалларга тўлган уруш ва меҳнат ветеранини мактаб ўқувчилари, пионерлар, Баҳмал, Зомин ва бошқа қўшни районлардаги колхоз-совхоз меҳнаткашлари орасида тез-тез учратамиз. Унинг ҳаёт йўли, жанг майдонларидаги жасорати кўпчиликка ўрнак бўларли.

**Қ. АҲМЕРОВ,**
**СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

● *Безовта қалб изҳори*

# УЗМА ДЎСТЛИК РИШТАСИН...

Пошали Усмон ўғли Алишер Навоий номидаги Самарқанд дорилфунунида олмон (немис) тили домласи. Ўзи месхети туркларидан. Месхети-ўзбек можароси чиққунга қадар мен бу йигитнинг миллати, насл-насаби, аждод-авлодию шажарасини ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Зотан, менга бунинг қандай қизиғи бор? Комил инсон бўлса бўлди-да. У ўзбек, турк озарбайжон, олмон, рус, тожик тилларини билади. Шогирдларим орасида энг қобил, содиқ, бутунларидан бири. Бироз муддат кўришмасак, соғиниб қоламиз. Тўқсон беш яшар дадам уни нечуқдир ўзларича «Пошшо Али» деб эслайдилар.

Турк Пошали «шунчаки», «эл қатори» ёки «номига» ўзбек эмас. Гап шундаки, у ўзбек маданияти ва адабиёти ривожига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Гётенинг дунёга машҳур «Фауст», Лессинг қаламига мансуб «Эмилия Галотти» фожиаларини, Фридрих Шиллер ва бошқа буюк адибларнинг шеърлари, масалларини назм йўлида илк дафъа бевосита олмон тилидан ўзбекчага ўгирган ҳамда уларга илмий шарҳ, луғатлар тузган. Олмончаўзбекча мақоллар луғати, махсус икки тилли очқичлари бор.

Ўзи беназир, мушфиқ инсон. Бир кўришдаёқ уни ёқтириб қоласиз. Ўз соҳаси олмоншунослик, қадимги Оврупо ва Шарқ адабиёти обидалари, ривоятлари, оғзаки халқ ижоди асарлари, Мағрибу Машриқ адабий алоқалари тарихи ҳамда турли диний таълимотлар ва оқимларни пухта билади.

Бизда, Тошкент дорилфунунида камина бошқариб келаётган таржима назарияси минбарғоҳида (кафедрасида) ҳамда жумҳуриятимиз ёзувчилар уюшмасининг таржима марказида худди шундай салоҳиятли мутахассис етишмайди. Шу боис биз уни бир неча марта бу ерга таклиф қилдик. Ҳамма ўзини пойтахтга уради. Бироқ Пошали Самарқанддан кўнгил узолмади. Сабаби, «рўйи замин сайқали» Самарқанд унинг Ватани бўлиб қолган.

Ўтган йили ёзда Самарқанд дорилфунунига давлат имтиҳон комиссиясининг раиси бўлиб борган эдим. Турган гап, ҳар галгидай, Пошалиларнинг уйига кирдим. Ўша кезлари икки миллат одамлари орасида хўрлик, зулм паймонаси тўлиб-тошганидан... ҳўнграб йиғлаб юборишдан қўрқиб, худди биз айбдорлар сингари, бир-биримизнинг юзимизга тик қарай олмадик. Рости, мен Пошали билан унинг рафиқасига нима деб, қандай «тасалли» беришгаям сўз тополмасдим. Тилим калимага келмасди. Нима ҳам дейман? Сира гап гапга қовушмайди.

Ҳарчанд гапни «бурмайлик», қурғур яна ва яна мавзу ўша кўнгилсиз ҳодисаларга бориб тақаларди.

— Мен, ўзингиз биласиз, домла, ўзбекларсиз, ўзбекистонсиз ўзимни тасаввур эта олмайман, — дейди суҳбатдошим хомуш...

— Биламан, оғайни, биламан. Элчилик, юртчилик экан. Ҳаммаси ўтиб кетади... Ҳаммаси жойига тушади. Мана, кўрасиз. Бу қандайдир англашилмовчилик,—деб минғирлайман.

— Уруш йиллари бизни ўз ватанимиздан Ўрта Осиёга бадарға қилдилар, — деб гапини давом эттирди у хўрсиниб. — Бизнинг ҳамқишлоқлар омадли эканми, ўзбеклар диёрига келиб тушдик. Ёш бола эдим. Эласэлас эслайман. Самарқанд бекатидан Пастдарғом ноҳиясига итоп қилишди. Шу денг, ҳорғинлик ва очликданми, силлам қуриб, аравадан пастга ағанаб тушибман. Ота-онам, уруғдошларим то эс-ҳушларини йиғиб олгунча аравакаш ўзбек киши отдан иргиб тушди-да, мени ердан даст кўтариб олди. Уст-бошларимни қоқиб бағрига босди. Сўнгра пешонамдан ўпди-ю, авайлаб аравага ўтқазиб қўйди. Биласизми, худди ўз фарзандидай ардоқлади. Аниқ ёдимда, ўша одамнинг қиёфаси: унинг кўзлари жиққа ёш эди... Мен буни ҳеч қачон унутолмайман, домлажон. Агар рассом бўлганимда, ўша маҳзун ҳолат, ўша меҳрибон қиёфани беш-олти яшар бола хотираси ҳамда тасаввури билан жонлантирган бўлардим...

Гап шу ерга келганда, суҳбатдошимнинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди. Мен чўнтагимдан дастрўмолимни олиб, билдирмай кўз ёшларимни артдим.

— Мен бу инсоний мурувват ва ботиний ҳамдардликни умрбод унутолмайман, — деб тугатди гапини Пошали.

Ҳа, ўзбеклар билан месхети туркларидан бир шажарадаги қавм. Бир дарахт танасининг шохлари. Том маънода оға-инимиз. Энди тасаввур қилинг. Бир оила фарзандлари: ота-бола, ака-ука, тоға-жиянлар бир-бирларини бехонумон қилса, қон тўкишгача бориб етса. Ахир, бу тарихимизда энг лаънатланган падаркушлик, биродаркушликнинг худди ўзгинаси эмасми?

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий зулм тиғига қарши олмос қалқон кўтариб, фақат бугунги ўзбек халқини эмас, балки барча туркий халқларни бирлашишга даъват этган, уларни «якқалам» қилишга жон нисор этган эдилар. Навоий бобомизнинг қуйидаги табаррук сўзларига эътибор қилинг-а:

**Ватан таркини бир нафас айлама,**
**Яна ранжу ғурбат ҳавас айлама.**

Месхети биродарларимиз ўз ватанидан уруш йиллари зўрлаб ҳайдалган мазлум фуқаро. Энг қиёмат-қойим кунларда, қонли уруш йилларида бу сингари жабрдийда халқларни ўз бағрига олган, ўзи оч-яланғоч, ночор ҳолда туриб, улар билан оғзидаги бир бурда зоғора нонини бўлишиб еган, айни тангу тор йилларда шунчалик бағри кенглик қилган ўз халқим, миллатим, мазҳабим билан чексиз фахрланаман.

...Хўш, шунчалик экан, нега энди бугунга келиб, бундай ваҳшийликлар содир бўлмоқда?

Чамамда, айрим хунрез, аламзада, олчоқ гуруҳлар сувни лойқалатиб, балиқ ушламоқчи, қилар ишни қилиб қўйиб, ўзларини панага олмоқчи кўринади. Халқлар, миллатлар, элатларни бир-бирига қарши гиж-гижлатиш, улар ўртасида низо, қонли тўқнашувлар чиқазишдан манфаатдор одамлар, қайта қуришдек муаззам давр тақозоси, замон зайлини оқимга қарши йўналтиришга шай турган гуруҳлар бор.

Бундай олганда, ҳозир ҳеч бир халққа ҳам осон тутиб бўлмайди. Бировлар ўз ватанидан безиб, уни ташлаб чиқиб кетган. Уларнинг юзлаб, минглаб қишлоқлари ҳувиллаб ётибди. Бошқалар ўз ерига сиғишмайди. Яна кимлардир ўз она маконига қайтолмай сарсон-саргардон.

Хуллас, ҳозир кўпчилик жумҳуриятлар учун дўппи тор келиб турган вақт. Миллий муносабатларнинг бу қадар таранглашиб кетганлиги сабаблари эндигина, аста-секин ойдинлашмоқда.

Қийшиқ мўридан тўғри тутун чиқмайди, дейди руслар. Лекин жуда узоқ йиллар мобайнида, яккаҳокимлик шароитида, фақат мўримиз билан тутунимизгина эмас, балки, энг даҳшатлиси шундаки, ўзимиз ҳам хийла «қийшайиб» қолган эканмиз. Ҳозирги раҳбариятнинг соғлом қисми мамлакат ва жумҳуриятимизнинг иқтисодини ҳам, сиёсатини ҳам, мафкурани ҳам ва охир-оқибатда, одамларимизнинг қадди-бастини ҳам ростлашга астойдил ҳаракат қилишаётган экан, буни тўғри тушунмоқ лозим.

Кейинги вақтларда бир нарсага ҳайрон бўлиб қолдим. Эшитишимча, Гуржистон жумҳуриятининг Олий кенгаши месхети туркларининг ўз ватанига қайтишларини манъ этувчи фармон чиқарибди. Мен қардош гуржи халқини ҳурмат қиламан. Унинг тарихи, маданияти, тили, адабиёти, олимларини эъзозлайман. Миллий қадриятларни асраш, ўз ёзувларини сақлаб қолишда бу қардош халқдан ўрганадиган жойларимиз кўп.

Бироқ миллий маҳдудлик, зўравонлик сиёсати ҳеч кимни ҳеч қачон яхшиликка олиб келган эмас. Очиқ гаплар очиқ айтиладиган замонлар келди. Тушуниш ҳам керак-да. Гуржи ўртоқлардан хўрланган ва аросатда қолган месхетиларни «меҳмон» сифатида қабул қилиб олиш, «олижаноблик» юзасидан ўз еридан бир қисмини уларга «ижарага» бериб туришни илтижо қилаётганимиз йўқ.

Гап «меҳмон-мезбонлик» муносабатлари ҳақида эмас, балки бундан қирқ беш йил муқаддам «халқлар отаси»нинг «марҳамати» (тўғрироғи, густоҳлиги) билан ўз маконидан шафқатсизларча қувиб юборилган бир халқни, ниҳоят, ўз қонуний ватанига қайтариш ҳақида бормоқда.

Ўйлайманки, тарихий ҳақиқат, ниҳоят, қарор топади. Қарор топмаслиги мумкин ҳам эмас. Буюк Шекспир айтганидай, тун қанчалик чўзилмасин, балқиб тонг отади.

**Ғ. САЛОМОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

**Термиз божхонаси ходимлари давлат чегарасидан олиб ўтилаётган диний буюмларни қўлга туширдилар. Бу буюмлар божхонага таклиф этилган дин вакилларига топширилди. Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг аъзоси, Термиздаги «Муруч бобо» масжиди имом-хатиби Абдулҳафиз Чориев бир неча қуръон, тасбеҳ ва диний ёзувлар ёзилган узукларни қабул қилиб олди. Бу ашёларнинг умумий сони мингдан ортиқ.**

**Суратда: имом-хатиб Абдулҳафиз Чориев, Термиз божхонаси бошлиғининг ўринбосари Рашид Габидулин ва СССР Министрлар Совети қошидаги диний ишлар кенгашининг Сурхондарё области бўйича вакили Норбой Султонов буюмларни топшириш пайти тасвирланган.**

**И. ХУЖАЕВ сурати (ЎзТАГ).**

● *Ахборот бўлими почтасидан*

## ● СПОРТ ●

### ТОШ КЎТАРИШ: ҚИЗҒИН БАҲСЛАР

● Фарғона вилоятининг Олтиариқ районидаги «Пахтакор» стадионида динамочилар мусобақаси ўтказилди. Мусобақа муросасиз баҳсга айланди. Шахсий ҳисобда вазнларига кўра Р. Абдуллаев, М. Ҳасанов, Қ. Наиманов ва У. Аъзамовлар муваффақият қозонишди. Команда ҳисобида Олтиариқ район динамочилари биринчиликни қўлга киритишди. Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими спортчилари билан Фарғона вилояти ўт ўчириш бўлими полвонлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

Ю. ЭМИНОВ.

**● Сирдарёлик С. Казадаевнинг омади келди. Мальтада ўтказилган Европа чемпионатида 312,5 килограммли натижа билан кумуш медалли бўлди.**

### СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

**● БУГУН биринчи лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари ўтказилади. «Пахтакор» футболчилари Горький шаҳрида «Локомотив» коллективининг меҳмони бўлишади. Маълумки, футболчиларимиз 5 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб туришибди. Учрашув ҳақидаги репортажни Узбекистон радиосининг биринчи программаси орқали соат 22.00 дан бошлаб эшитиришмўлжалланган.**

### МЕҲР-ШАФҚАТ ФОНДИГА

**● Оқдарё районидаги Даҳбед қишлоқ касалхонаси жамоаси ҳудуддаги жами 17 минг аҳоли саломатлиги ҳақида қайғурмоқда. Меҳнат аҳли, айниқса, болалар, ёш болали оналар, уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида касалхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари қишлоқ атрофидаги барча идора, корхоналар раҳбарларига шифохонанинг Лойиш банки ҳисобидаги меҳр-шафқат фондига пул ўтказишларини сўраб мурожаат қилгандилар.**

**Меҳр-шафқат фондига вилоят пахтачилик тажриба станцияси коллективидан 500 сўм, «Даҳбед» ишчилар кооперациясидан 200 сўм, Қоратери қишлоқ Советидан 100 сўм, мевали кўчатлар етиштириш совхозидан 300 сўм, Энгельс номли колхоз аъзоларидан 200 сўм, жами қисқа муддатда 1500 сўмлик маблағ тушди.**

### СОВҒАГА—КИТОБ

**● 57-ҳунар-техника билим юрти комсомол-ёшлари 80 нусхада ўзбек тилида босилган турли бадиий китобларни тўплаб, район комсомол қўмитасига топширишганди. Бу китоблар Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида ўзларининг йигитлик бурчларини намунали бажараётган оқдарёлик аълочи-жангчиларга жўнатилди.**

**А. МУҲАММАДАЛИЕВ,**
**Самарқад вилояти.**

## «Яшил елкан» ғолибларни кўрсатди

**Узбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти билан Журналистлар уюшмаси ташкил этган «Яшил елкан» республика конкурсининг якуни чиқарилди.**

«Меҳнат» нашриётининг коллективи китоблар, брошюралар, плакатлар туркуми учун биринчи мукофот ва биринчи даражали дипломга сазовор бўлди. Иккинчи мукофотлар «Ўқитувчи» ва «Медицина» нашриётларига, учинчи мукофотлар эса «Узбекистон» ва «Фан» нашриётларига берилди.

Нашриётлар редакциялари коллективлари ўртасида «Ўқитувчи» нашриётининг География тарихи редакцияси ходимлари «Узбекистон қўриқхоналари» китоби учун ғолиб деб топилдилар. Иккинчи мукофотлар «Фан» нашриётининг Фалсафа ва ҳуқуқ редакциясига «Шаҳарларнинг ҳаво муҳити» китоби учун ва «Меҳнат» нашриётининг «Ҳосил» редакциясига «Ҳашаротлар оламида» китоби учун берилди, «Меҳнат» нашриётининг «Прогресс» редакцияси коллективи «Кўчманчи асаларичилик асал тайёрловчилари» китоби учун ҳамда «Узбекистон» нашриётининг илмий-оммабоп редакцияси брошюралар туркуми учун учинчи мукофотлар билан тақдирланишди. «Медицина» нашриёти Илмий адабиётлар редакцияси, «Ёш гвардия» нашриёти Оммабоп адабиётлар редакцияси, «Меҳнат» нашриётининг буюртма китоблар ва «Прогресс» редакциялари рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлишди.

Тарғиботчилик ишида фаол қатнашган мухаррирлар, полиграфиячилар, сураткашлар, китоб савдоси ходимларининг катта гуруҳи ҳам «Яшил елкан» конкурси лауреатлари ва совриндорлари бўлишди.

Плакатлар чиқариш билан шуғулланувчи ижодий коллективлар конкурсида «Узбекистон» ва «Меҳнат» нашриётлари ғолиб бўлдилар.

(ЎзТАГ).

**(«Совет Узбекистони» газетасининг навбатдаги сони 28 апрелда чиқади).**

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.


# Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА ЙЎЛЛАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

**РСФСР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН ОИЛАЛАРНИ**

***ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРАДИ***

**КЎЧИШНИ ХОҲЛАГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

**— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 18 майгача;**
**— КОСТРОМА ОБЛАСТИГА — 24 майгача;**
**— НОВГОРОД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача;**
**— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.**

**РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.**

КЎЧИРИШ УЧУН КАМИДА МЕҲНАТГА ЯРОҚЛИ ИККИТА АЪЗОСИ БЎЛГАН ОИЛАЛАР ФАОЛЛАШТИРИЛАДИ.

Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга бориладиган жойга текинга етиб олиш ва ўзлари билан 2 тоннагача юкни бепул олиб кетиш ҳуқуқи берилади, бир йўла ёрдам пули тўланади, турар жой ёки квартира, ҳовлисида керакли бинолар бўлган томорқа берилади.

Янги кўчиб келганлар икки йил мобайнида квартира ҳақидан озод этиладилар.

**РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:**

**ШАҲАРЛАРДА** — шаҳар, область ишга жойлаштириш марказлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига;

**НУКУС шаҳрида** — ҚҚАССР республика марказига;

**РАЙОНЛАРДА** — ишга жойлаштириш бюроларига;

**ТОШКЕНТ шаҳрида** — Космонавтлар проспекти, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА
**5, 6, 7, 8, 9 МАЙ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА**

**«ДЎСТЛАР ДАВРАСИГА МАРҲАМАТ!»**

**ҚАТНАШАДИЛАР!**

**Чимкентлик хушовоз хонанда**
РУСТАМ ҒОЙИПОВ
**Узбекистон ССР халқ артисти**
МАЛИКА АҲМЕДОВА
**«Қизиқчи-89» конкурсининг ғолиби**
Мирза ҲОЛМЕТОВ
**ва**
Гавҳар АМИНОВА, Бахтиёр ҚОСИМОВ, Ғайбулла НУРХЎЖАЕВ, Ўктам МЎМИНОВ иштирокида

КАТТА ҚОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

**Программани** — Раҳматулла МИРЗАЕВ олиб боради.
**Саҳналаштирувчи режиссёр** — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.
**Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.**
**Телефон 45-93-63.**
**Билетлар Спорт саройи ва СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.**

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
**30 апрель соат 16.30 ва 20.00 да**

**ХАЙРИЯ КЕЧАСИ**

**Ленинободлик хушовоз хонанда**
**Абдурауф ОЛИМОВ**
**ва**
**Ҳажвия интермедия устаси Ҳожибой ТОЖИБОЕВ**
**Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.**
**Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон — 45-93-63.**

# Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Масхарабозлар**, 27/IV да **Севгига севги билан.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Жар**, 27/IV да **А. Қодирийнинг ўтган кунлари.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 27/IV да **«Олтин тўй»** (театрнинг 50 йиллик юбилей кечаси),

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Отасининг қизи** (19.00), 27//IV да **Зиёфат** (19.00).


Узбекистон ССР социал таъминот вазирлигига қарашли жумҳурият ҳунар-техника билим юрти ва техникумнинг раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси қўмитаси, собиқ директор, партия ветерани, жумҳуриятнинг шахсий пенсионер, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи

**Умар Тагаевич ТАГАЕВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қаҳҳор номидаги жумҳурият Сатира театри жамоаси театрнинг ишлаб чиқариш бўлими мудири А. У. Абдуллаевга отаси

**Урхун АБДУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 10045. № 97. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12